Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. ◎ № 70 (7. 159) ◎ 1990 йил 27 март, сешанба ◎ Бақоси 3 тийин



◎ ИШЧИ ҚЎЛЛАРИ. Тошкент асбобсозлик заводининг чархловчиси Васфия Жаъфарова. Т. Каримов сурати.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг мажлислари тўғрисида

ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

26 март куни Тошкентда ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг биринчи сессияси ўз ишини давом эттирди. Эрталабки мажлисда депутат М. С. Салоҳиддинов раислик қилди.

Депутатлар Ўзбекистон ССР Олий Совети мажлисларининг депутатлар таклиф этган тузатишлар ва қўшимчалар ҳисобга олиниб тасдиқланган муваққат иш тартибини муҳокама қилдилар.

Депутат М. И. Иброҳимов Ўзбекистон ССР Олий Советининг аввалги мажлисида Ўзбекистон ССР Конституцияси (Асосий Қонуни)га ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш юзасидан депутатлар айтган таклифлар тўғрисида ахборот берди.

Шундан сўнг депутатлар Ўзбекистон ССР Олий Совети Раисини сайлаш тўғрисидаги масалани кўриб чиқдилар. Муҳокама чоғида бу лавозимга икки номзод: Ўзбекистон ССР халқ депутатлари М. И. Иброҳимов ва П. М. Абдураҳмонов номзодлари қўйилди. П. М. Абдураҳмонов ўз номзодини қайтариб олди, депутатлар унинг бу илтимосини қондирдилар.

Яширин овоз бериш натижасида Мирзаолим Иброҳимович Иброҳимов Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Советининг Раиси этиб сайланди.

Шундан кейин сессия мажлисини Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси М. И. Иброҳимов олиб борди.

Депутат Б. И. Бугров очиқ овоз бериш йўли билан Ўзбекистон ССР Олий Совети Раисининг ўринбосари қилиб сайланди.

Сессия Ўзбекистон ССР Олий Советининг доимий комиссиялари тўғрисидаги масалани муҳокама қилди, уларнинг раҳбарларини тасдиқлади.

Кечқурунги мажлисда Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раисини тайинлаш тўғрисидаги масала муҳокама қилинди.

Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов икки муқобил номзодни — Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси бўлиб ишлаган М. М. Мирқосимов ва республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, давлат план комитетининг раиси бўлиб ишлаган Ш. Р. Мирсаидов номзодини муҳокамага тақдим этди. Пухта муҳокамадан сўнг яширин овоз бериш бюллетенларида иккала номзодни қолдиришга қарор қилинди.

Яширин овоз бериш натижаларига кўра Ш. Р. Мирсаидов Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси этиб сайланди.

27 март куни Ўзбекистон ССР Олий Советининг сессияси ўз ишини давом эттирмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ РАИСИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети **қарор қилади:**

Ўртоқ Мирзаолим Иброҳимович Иброҳимов Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси этиб сайлансин.

Тошкент шаҳри,
1990 йил 26 март.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ РАИСИНИНГ ЎРИНБОСАРИНИ САЙЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети **қарор қилади:**

Ўртоқ Борис Иванович Бугров Ўзбекистон ССР Олий Совети Раисининг ўринбосари этиб сайлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси
М. ИБРОҲИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1990 йил 26 март.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ РАИСИНИ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети **қарор қилади:**

Ўртоқ Шукрулла Раҳматович Мирсаидов Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси этиб тайинлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси
М. ИБРОҲИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1990 йил 26 март.

Президентлик кенгаши тузилмоқда

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Президенти М. С. Горбачевнинг фармонларига биноан Э. А. Шеварднадзе, Ю. Д. Маслюков, В. А. Крючков, Д. Т. Язов, Ч. Айтматов, С. С. Шаталин, В. Г. Распутин, А. Н. Яковлев, В. А. Ярин, А. Э. Каулс, Ю. А. Осипьян, Е. М. Примаков, В. И. Болдин, В. В. Бакатин, Г. И. Ревенко СССР Президентлик кенгашининг аъзолари этиб тайинландилар.

ТАСС.

Партия турмуши: ҳисобот ва сайловлар

БАҲО ҚОНИҚАРСИЗ БЎЛДИ

«ҚИЗИЛ тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг болалар пальтосини тикиш бўлинмасида партбюро иши қониқарсиз деб топилди. Партбюронинг сайланганига унча кўп вақт бўлгани йўқ эди. Ўтган йилги октябрь ойида ҳисобот-сайлов йиғилиши чақирилиб, янги котиб ва янги аъзолар сайланган эди. Уларга ишонч билдирилиб масъулиятли вазифа топширилган экан, нега улар буни оқлай олмадилар? Демак, партия ташкилотига бирлашган коммунистлар муносибларни танлашда адашишибди-да! Қисқаси агар бугун муҳлатдан илгари ҳисобот-сайлов ўтказиш зарур бўлмаганда коммунистлар «дард»ларини айтолмай юраверарканлар. Мажлисдан чиқарган хулосамиз шундай эди. Аниқроғи, партбюро котиби Ю. Г. Розиграев ҳисоботини эшита туриб шундай тўхтамга келдик.

— Жамоамизда ишимиз нақадар мураккаблиги ҳаммангизга маълум, — дейди биринчи бўлиб сўз олган цех бошлиғи С. Д. Панфилова. — Маҳсулотнинг сонига эмас, сифатига бўлган талаб кун сайин ошиб бормоқда. Иш шароити кўнгилдагидек бўлмаса, биз қандай қилиб улардан сифатни талаб қилайлик. Пастаккина тўртта бинога жойлашган цехларимиз қулай-қулай деб омонат турган бўлса. Қишдаку кўмир ёқиш азоби, ёздаги зах аёлларимизнинг жон-жонидан ўтиб кетаяпти. Шунда ҳам «гинг» демай, нормаларини ортиғи билан бажараяптилар. Мана бу Шарофат Содиқованинг бригадаси шундай фидойилардан, шундаймасми Шарофат?

— Ҳа, албатта. Айниқса, охирги икки йилда бригадамиз бирор марта планини бажармаганини эслай олмайман. Фақат шу... Шароитимиз масаласи оғир бўлиб бораяпти да. Эҳтимол, район миқёсида коммунистлар клуби ташкил қилиш керакдир. Клубда раҳбарлар билан учрашиб, дардлашган бўлармидик.

— Район раҳбарларининг кошки эди хабари бўлмаса, — дейди коммунист Г. А. Алексеева, — котибнинг шахсан ўзи келиб шароитимизни кўриб кетганига анча бўлди. Ачинарлиси, биз бир нарсани унутиб бораяпмиз. Меҳнат унуми учун юксак иш маҳоратигина эмас, шароит ҳам керак. Шу ерда ишлаётганимга 20 йилдан ошди. Нуқул инсон омили деб жар соламиз. Ошхонамизда эса тановул қилишга бирорта иссиқ овқат йўқ. Ҳатто ичишга бирор ичимлик бўлмайди-я! Ёки магазинларда ичимликлар йўқми? Фабрика ишчи назорати группалари оз бўлсада эътиборини қаратса бўлмасмикан? Ахир инсон, инсон омили эмасми биринчи ўринда? Партия ташкилоти рўзномадан нусха олган қоғозлар билан эмас, одамлар билан ишлаши керак.

Коммунистларнинг аччиқ, аммо ҳақ гаплари йиғилиш давомида уларни бирин-кетин сўз олишга ундарди. Бир неча йиллар ўтибдики, «Қизил тонг»нинг Қўйлиқ филиалида иш шароити ачинарли аҳволда. Ҳар йили қилинадиган таъмирлаш ишлари авария ҳолатидаги биноларга ҳеч қандай зеб беролмай келади. Фабрика маъмурияти филиални корхонанинг ўзига кўчирай деса ишчилар розилик беришмайди. Албатта-да, Қўйлиқ даҳасида шундан бошқа енгил саноат корхонаси бўлмаса, аёллар учун уйларига яқингина жойга чиқиб ишлаб келиш афзал. Яқин атрофдан иморат солишга жой йўқ. Филиалнинг ўрнига эса яқин ўн йил ичида йўл тушиши мўлжалланган. Бирлашма жамоаси ислай-ислай имконини топгандек бўлди. Филиал ёнгинасида қад кўтарган Тошкент политехникуми ўқув тажриба биносини сўраб кўриш керакдир, деган фикрга келди. Шундай ҳам қилинди. Политехникум раҳбарлари қурилаётган бу бино асосий ўқув жойларига анча узоқлик қилаётганини, агар корхона политехникум ҳовлисида шундай бино қуриб беролса, бунга розн эканликларини билдирди.

Ҳисобот-сайлов йиғилишининг сўнгида сўзга чиққан бирлашма партия ташкилоти котиби И. Т. Раҳмонов коммунистларга бу хушхабарни айтганда, залдагилар негадир ишонқирамай бир-бирларига қарашди. Эҳтимол, бундай ваъдаларни шу пайтгача эшитиб келганларидандир. Ҳар нима бўлганда ҳам умид билан якдил қарорни қабул қилдилар. Яъни цех бошлиғи партия ташкилоти ишидаги сусткашликни эътиборга олган ҳолда, фаолияти қониқарсиз деб баҳо олди. Демак, бу ерда иш шароити яратилмаганлиги, ишловчиларга эътиборнинг камлиги туфайли ҳам коммунистлар фаоллар ишига қониқарсиз баҳони лозим топдилар.

Ф. ҲУСАНОВА.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

УЙ ТЎЙЛАРИ

◎ **ЧИЗЕЛЬ даҳаси шаҳримиздаги кенжа турар жойлардан бири ҳисобланади.** Бу ерда бунёдкорлик ишларини асосан 2-уйсозлик комбинати жамоаси олиб бормоқда.

БУГУН 90 хонадонли 1-уй ўлдига уй анжомларини ортган автомашиналар оқими кела бошлади. Кимдир кўчаларни юқорига ташир, бошқаси эса унга кўмак беришга ошиқар эди. Ҳамма хурсанд.

— Мен, — дейди 64-хонадон соҳибаси Н. Насибулина, — бинокорлардан жуда хурсандман. Чунки хоналар алоҳида-алоҳида, кенг ва ёруғ. Айниқса ойнаванд айвонларини айтмайсизми? Пардоз ишлари ҳам дид билан бажарилган.

Биз эндигина машинадан кўчаларини тушириб бўлган А. Иноятовга мурожаат қилдик.

— Илгари Чехов кўчасида яшар эдик. Уйимиз бузиладиган бўлиб шу янги уйдан жой таклиф қилишди. Бу уй ҳаммамизга манзур бўлди. Қурувчиларга раҳмат.

Ғоят қисқа муддатда бу даҳада 2-уйсозлик жамоаси 12 та турар жой биносини фойдаланишга топширди. Бу 1 минг 240 хонадонни ташкил этади.

◎ БУГУН Сергели — 7 турар жой даҳасида 124 хонадонли 9 қаватли турар жой биноси ҳам фойдаланишга тахт қилиб қўйилди.

Бинокорлик ишларини ҳажмли блокли комплекс уй-жой қурилиши бошқармаси жамоаси олиб борди. Бино лойиҳаси «Ташгипрогор» меъморлари томонидан тайёрланган.

◎ БУГУН 3-уйсозлик комбинатига қарашли 2-бошқарма жамоаси бунёд этган 9 қаватли турар жой биноси ёнида уй жиҳозлари ортилган машиналар кети узилмаяпти. Бахтли хонадон соҳиблари кўчаларини ташиш билан банд. Ҳа, П. Полоцкий кўчасида Госпитал бозори даҳаси аҳолиси бир йўла 108 хонадонга кўпайди.

Д. ОБЛАЕВ.

ҲАМКОРЛИК КЎРИГИ

◎ **ТОШКЕНТ давлат дорилфунуни ўзининг 70 йиллигини кенг нишонлашга катта тараддуд кўрмоқда.** Ўрта Осиё жумҳуриятлари студент-ёшларининг фестивали ҳам жонли юбилейолди тадбирларидан биридир.

Гап шундаки, бу олий ўқув юрти Ўрта Осиё жумҳуриятларидаги барча дорилфунунлар билан илмий, маданий алоқалар боғлаган. Ана шу яқин ҳамкорлик туфайли профессор-ўқитувчилар ҳамда талабалар ўртасида ўзаро мулоқотлар кенг йўлга қўйилди. Қатор илмий муаммолар устидаги ижодий ҳамкорлик ҳам яхши натижаларини бермоқда.

Қўлга киритилаётган ютуқларни, белгиланган режаларни биргаликда кўриб чиқиш мақсадида ўтказиладиган бу анжуман ўзаро ҳамкорликнинг яна бир кўригига айланади.

Конференцияга чет эллик талабалар ҳам таклиф қилинди. Бу талабаларнинг аксарияти шу олий ўқув юртида таҳсил олаётган ёшлардир.

А. АКБАРОВ.

НАМУНАЛИ МУОЛАЖАЛАР

◎ **ПОЛИКЛИНИКА янги замонавий бинога кўчиб ўтгач, бу саломатлик маскани фаолияти янада кенгайиб кетди.** Чиндан ҳам Куйбишев районидаги 9-стоматология поликлиникасида муолажалар олиб бориш учун эндиликда барча қулайликлар муҳайё этилди.

Айни бир вақтда тиш врачларининг район территориясида жойлашган йирик саноат корхоналари билан тиббий алоқаси янада мустаҳкамланди. Жумладан «Средазкабель» ишлаб чиқариш бирлашмаси, лак-бўёқ, «Узбекхлопкомаш» заводлари медицина-санитария қисмларидаги тиш кабинетлари замонавий асбоб-ускуналар билан етарли миқдорда таъминланди. Бу эса стоматологик хизматни бригада методи асосида йўлга қўйиш имконини берди.

Поликлиника ташаббуси билан корхоналар, олий ўқув юртларида 20 дан ортиқ тиш кабинетлари очилди. Уларда тиббий хизматни яхшилаш мақсадида қўшимча штатлар белгилаш кўзда тутилди.

А. АЛИЕВ.

МАҲОРАТЛАРИНИ НАМОЙИШ ЭТИШДИ

◎ **КУЙБИШЕВ районидаги Путилов кўчасида жойлашган кооператив ўқув ҳунар билим юртини ҳар йили 300 га яқин талаба битириб чиқади ва шунча талаба қабул қилинади.** Талабалар билим юртига район матлубот жамияти йўлланмалари билан қабул қилинмоқда. Асосан Тошкент вилояти районларидан ва Тошкент шаҳридан ўқувчилар таълим оладилар.

Яқинда ана шу районлар матлубот жамиятларининг кадрлар бўйича муовинлари билим юртида ўз ўқувчилари билан учрашув ўтказдилар. Учрашувда кадрлар масаласи бўйича гаплашилди, билим юрти талабалари танлаган касблари бўйича ўқиш даврида эришган маҳоратларини намойиш этдилар.

О. ЮСУПОВ.

АҲОЛИ БУЮРТМАСИ БИЛАН

◎ **КУЙБИШЕВ районининг Иркутский кўчасида янги бичув-тикув уйи фойдаланишга тахт қилиб қўйилди.** Бу ерда бичиш, тикиш, суратга олиш каби бўлимлар мавжуд. Яқин келажакда тез химия воситалари билан тозалаш бўлими очилиши ҳам мўлжалланмоқда. Шундай қилиб атрофдаги даҳаларда яшовчи хонадонларга яна бир қулайлик яратилди.

Д. МУРОДОВ.

НОГИРОНЛАРГА ИМТИЁЗЛАР

◎ **ЎЗБЕКИСТОН ССР халқ таълими министрлигининг олий ўқув юртлари ўқув методикаси бошқармасининг бошлиғи** З. Ғуломиддиновнинг айтишича, СССР Халқ таълими министрлигидан келган хатда бу йил олий ўқув юртларига қабул қилиш қоидалари ўзгармаган. Фақат февраль ойида бўлиб ўтган коллегия кенгашида қабул комиссияси ишларини қаттиқ назорат қилиш, қишлоқ жойларидан келган абитуриентларга ёрдам бериш ишлари гаплашилиб олинди. Бу йилги қабул вақтида фақат Афғонистондан ногирон бўлиб қайтганлар ҳамда меҳнат туфайли ногирон бўлганларгина медицина ҳужжати асосида фақат суҳбат орқали қабул қилинадилар ва имтиҳон топширмайдилар.

О. РАҲИМОВ.

ШИРИНПАЗ ЎҚУВЧИЛАР

◎ **ЮНУСОБОД даҳасида жойлашган 24-ҳунар билим юрти чет эл меҳмонлари учун ошпазлар тайёрлайди.** Ҳозирги кунда бу билим юртида 836 ўқувчи таълим олмоқда. Ҳар йили турли курсларни 340—400 га яқин ўқувчи битириб чиқмоқда.

Яқинда билим масканида сабзавот дўкони сотувчилари тайёрлайдиган бўлим очилди ва 60 ўқувчи қабул қилинди. Ҳар бир талаба саккиз ойлик ўқиш муддатидан сўнг сабзавот дўкони сотувчиси дипломига эга бўлади.

БУГУН билим юртида ширинликлар цехи очилди. Унга талабалар жалб қилинди. Цехдан чиқадиган ширинликлар даҳа аҳолисига сотилади.

А. ЮНУСОВ.

ХАЙР, ФЕСТИВАЛЬ!

Тошкент Давлат дорилфунуни шарқ факультети талабалари Марина ва Яцек Залевскийларнинг орзуси ушалди: улар студент оилалари биринчи регионлараро конкурси ғолиби бўлдилар ва икки ҳафта давомида Венгрия, Югославия ва Италияга сафар қилишга йўлланма билан тақдирландилар. Бу конкурс Ўрта Осиё ва Қозоғистон дорилфунунларининг Ўзбекистон пойтахтида ўз ишини тугатган фестивали доирасида ўтказилди.

Тошкент, Ашхобод, Душанбе, Фрунзе, Нукус, Қарағанда, Самарқанд талабалари, шунингдек, Вильнюс, Кишинев ҳамда мамлакатнинг бошқа шаҳарларидан келган меҳмонлар бир ҳафта давомида фестивалнинг хилма-хил ва тиғиз программасида — қувноқлар ва зукколар конкурси ҳамда кичик университетларда, ўқув жараёни, миллатлараро муносабатлар муаммоларига бағишланган илмий конференциялар ва мунозара клубларида, Наврўз баҳор байрамида ва спорт мусобақаларида қатнашдилар.

— Фестиваль Ўрта Осиёдаги энг кекса Тошкент Давлат дорилфунунининг бўлажак 70 йиллигига бағишланган эди, биз меҳмондўст мезбонларимизни ана шу юбилей билан самимий табриклаймиз, — деди Ашхобод дорилфунуни комсомол қўмитасининг котиби Камол Бобожонов. — Фестивалда биз янги дўстлар орттирдик ва бу анжуман бундай учрашувлар мамлакатимиз ёшлари ўртасида дўстлик ва байналмилалчиликни мустаҳкамлашга ёрдам беришини яна бир бор намойиш қилди. Фестиваль мутасаддиларига — Тошкент Давлат дорилфунуни комсомол қўмитаси ҳузуридаги «Авангард» ёшлар марказига ва савдо-сотиқ «Осиё-банк» мадади ва ёрдами учун катта раҳмат деймиз.

КПСС XXVIII съезди олдидан: партияни янгилаш

Қайта қуриш мафкураси партиямизни янгилашнинг аниқ йўл-йўриқларини кўрсатиб берди. Ҳозирги халқ хўжалик вазифалари, ижтимоий муносабатларнинг характерлари ва кўринишлари партиянинг ўзида туб демократик ўзгаришларни зудлик билан амалга оширишни қатъий вазифа қилиб қўймоқда. КПСС Марказий Комитетининг Ҳаракат дастурига демократик централизм принципининг ўзини қайта идрок қилиш лозим, деб ёзиб қўйилганлиги ҳам бежиз эмас. Эндиликда партияни демократик қоидалар асосида қайта қуришга асосий эътибор берилмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг март Пленумида М. С. Горбачев «Партияда съездолди мунозараси, аслида, ҳозирда-ёқ бошланди ва авж олдирилмоқда. Ўзўзидан равшанки, биз мана шу бутун жараённи асосан қайта қуриш изидан бораётган, танлаган социалистик йўлимиз доирасида амалга оширилаётган жараён деб биламиз. Демак, танқидий ижобий ва қатъий изланиш биз учун ҳаётий заруратдир. Бундай изланиш партиянинг янги истиқболга мўлжалланган программавий ҳужжатни қабул қилиб, ўзининг узил-кесил сўзини айтадиган съездгача давом этади», деб таъкидлаб ўтди. Шу боис мухбиримизнинг Ўзбекистон Компартияси Октябрь район комитетининг биринчи секретари Ҳ. С. Орипов билан бўлган суҳбати ҳам ана шу йўналишда бўлиб ўтди.

ЯНГИ СИЁСАТ ПОЙДЕВОРИ

— Ҳусниддин Сирожиддинович, мана сиз бир неча йиллардан бери район партия комитетини бошқариб келяпсиз. Партия етакчиси сифатида айтингчи, КПССнинг ҳозирги сиёсатига муносабатингиз қандай?

— Биз беш йилликнинг якунловчи, кескин ва масъулиятли йилига қадам қўйдик. Аниқроғини айтганда, биз бугун шундай ўткир бир нуқтага келдикки, бунда партия ўз сиёсатини КПСС Марказий Комитетининг февраль Пленуми (1990 йил) давомида юзага келган энг муҳим муаммоларни ҳисобга олган ҳолда бойитмоғи керак. Мазкур Пленум якунлари шуни кўрсатдики, янги сиёсий системанинг, КПССнинг янги сиёсати пойдевори қурилди. Бу эса тасаввур қилганимиздан кўра кўпроқ узоққа борувчи чораларни қабул қилишга имкон беради.

Пленум мамлакатда содир бўлаётган воқеаларнинг сиёсий таҳлилини берди. Шу асосда бундан кейин нима қилиш кераклигини айтиб берди. Бу эса КПССнинг съездолди Ҳаракат дастурида кўрсатилган сиёсий мўлжалида ҳам ўз аксини топди. «Биз Ҳаракат дастури лойиҳасини партияда ва жамиятда кенгайиб бораётган мунозаранинг айни асоси ва негизи деб билаётганимизни таъкидлашни истардим, — деди КПСС Марказий Комитетининг март Пленумида М. С. Горбачев. — Шунинг учун лойиҳага турлича муносабатда бўлинаётгани табиийдир, аммо агар илгари бўлганидек буни ҳар томондан расмий маъқуллаш хитоблари эшитилса, ёмон бўлур эди. Бизнинг мақсадимиз — мен бу ҳақда партия Марказий Комитетининг аввалги Пленумида ҳам гапирганман — умумпартиявий муҳокама учун ошкора ҳужжатни ишлаб чиқишдан ва шу тариқа коллектив изланишни янада фаоллаштиришга кўмаклашишдан иборат эди».

— Кейинги пайтда кўпгина коммунистлар ўз ихтиёрларига кўра партия сафидан чиқиб кетяптилар. Хўш, нима учун улар партия сафида бўлишни истамаяптилар? Бундай йўл тутиш район коммунистлари сафининг сон ва сифат жиҳатидан ўсишига таъсир этмадими?

— Йўқ, районимиз коммунистларининг сон ва сифат таркибида кейинги икки йил мобайнида унчалик катта ўзгаришлар бўлмади. Шу кунга келиб район партия ташкилоти ўз сафларида 12475 партия аъзоси ва номзодини бирлаштириб турибди. Яъни бу 1988 йилга нисбатан уч коммунистга кам, демакдир. Тўғри, ушбу фактни тан олиш керак. Чунки 1989 йил давомида партия сафларидан 96 киши ўчирилди ва чиқиб кетди. Шундан 44 киши КПСС Уставининг 8—16 параграфлари асосида ўчирилган бўлса, 12 нафар партия аъзоси ўз хоҳишига кўра партия сафларидан чиқди.

Афсуски, ўз аризаларига кўра КПСС сафидан ўчирилганлар орасида партия ишига сидқидилдан содиқ бўлган, катта партия стажига эга, билимдон кишилар ҳам бор. Хўш, нима сабабли улар партия билетларини топширяптилар? Биринчи сабаби шуки, улар қайта қуришнинг боришидан қониқишмаяпти, иккинчидан КПССнинг Ҳаракат дастури ва Низомидаги қатор қоидалардан, партиянинг ҳозирги ва ўтмишдаги сиёсий фаолиятидан норози бўляптилар.

Шу муносабат билан биз партиянинг XXVIII съезди олдидан КПСС Марказий Комитетининг Ҳаракат дастурида ўз аксини топган партиянинг жамиятдаги роли ва ўрни ҳақида, партия ишида демократияни ривожлантириш тўғрисида бир қатор давра суҳбатлари, мунозаралар ўтказишни белгилаб қўйдик.

— Сиз «Партиянинг обрўси тушиб кетяпти» деган иборага қандай қарайсиз? Шу эътирознинг пайдо бўлишига асосан нималар сабаб бўлди деб биласиз?

— Бу энг асосий ва қийин масалалардан биридир. Албатта бизга, яъни коммунистлар зиммасига қўйилган масъулиятни тўла ҳис қиламиз. Кўп ҳолларда бундай эътирозларга асос бўлиб партия органларининг ишидаги аниқ хатолар ва камчиликлар сабаб бўлган, деб ўйлайман. Халқ бугунги кунда КПСС Марказий Комитетига ҳам, маҳаллий партия органларига ҳам қайта қуриш йилларининг ўзидаёқ йўл қўйилган хатолар учун, қайта қуришга раҳбарликдаги изчилликнинг етишмаганлиги учун, жамият ривожланишининг қатор масалалари юзасидан ўз фикрларига эга бўлмаганлиги учун жиддий даъво ва эътирозларни билдирдилар. Халқ биздан олдимизда турган қатор жиддий масалаларнинг амалий ҳал бўлишини кутяпти. Ўйлаймизки, КПСС Марказий Комитетининг февраль Пленуми кўп масалаларга аниқ ва очиқ баҳо берди ва уларни ҳал қилиш йўлларини белгилаб берди. Энди навбат ишга. Ҳар бир КПСС аъзоси ва партия органлари ўзларининг амалий ҳаракатлари билан ана шу қарорларни тўла қўллаб-қувватлайман.

— Хўш, шундай экан, сиз бугунги XX аср коммунистини қандай ҳис этасиз? У қандай бўлиши керак?

— Коммунист бугунги кунда ўзининг ўта тартиблилиги, ростгўйлиги, партия қатъиятлиги билан бир қаторда мамлакатимизда рўй бераётган воқеаларга баҳо беришда ваколатли ва объектив бўлиши керак деб ўйлайман. Ҳар бир коммунист ўз иш жойида топширилган ишни тўғри ва кўнгилдан бажариши керак. Бу эса ўзини партия бошлаб берган қайта қуришга жамиятни янгилашга дахлдор деб билган ҳар бир кишининг виждон талаби бўлиб қолиши лозим. Аксинча миш-мишларга берилмай, сафсатабозлик билан шуғулланмай ўз ишини ҳалол ва виждонан бажариши керак.

— Ҳали сиз юқорида ўтган йили партия сафларидан 96 киши чиқиб кетди деб айтдингиз. Хўш, уларнинг ўрнини тўлдириш, аниқроғи ёшларни партияга қабул қилиш ишлари қандай бораяпти? Сизларда ҳам партияга қабул қилишнинг тажриба-синови амалга ошириляптими?

— Район партия ташкилотида ўтган йилнинг октябрь ойидан бошлаб партияга қабул қилиш бўйича синов (эксперимент) кетаяпти. Ҳозирча бундан бирор-бир хулоса чиқаришга эрта. Бу иш энди жадаллашяпти ва албатта камчиликлар ҳам бор. Шуниси қувончлики, районимиз коммунистлари тобора ёшариб боряптилар. Район партия ташкилоти таркибида 30 ёшгача бўлган ёшлар миқдори 1763 кишини ёки 14,1 фоизни ташкил қилади. Синов даврида партия аъзолигига номзодлар қилиб 71 киши қабул қилинди. Уларнинг 10 нафари яъни 14 фоиздан кўпроғини ёшлар ташкил қилади. Шуни ҳам таъкидламоқчиманки, ўтказилаётган тажриба-синовнинг кўпгина ижобий натижалари билан бир қаторда ёшлар сафидан КПСС аъзолигига қабул қилишнинг етарли эмаслиги ҳам кўзга ташланяпти. Бу масала устида район партия комитети ҳам, бошланғич партия ва комсомол ташкилотлари ҳам жиддий ўйлашлари керак бўлади.

— Коммунистларни синовдан ўтказиш район партия ташкилотига нималар берди?

— Ўтказилаётган аттестациянинг самарасини мен бошланғич партия ташкилотларида, КПСС аъзосининг соф қиёфаси ҳақида талабчан суҳбатлар бўлганида кўраман. Бу маънода «Имтиҳон» авваламбор бошланғич партия ташкилотлари ва коммунистларнинг ўзларига катта фойда келтирди. Бошқача айтганда, «У ким?» — «У кимдир?» деган саволга жавоб беради. Бизнинг ҳозирги мураккаб давримизда аттестация коммунистлар билан янги учрашувларга, уларни тўлқинлантираётган муаммоларни юзага чиқаришга, иш планларини янгилашга, илгари сустроқ бўлган коммунистларни ижтимоий ишга йўналтиришга, партиядаги «тасодифий ҳамроҳ»лардан холи бўлишга имкон берди.

— Партия сафларини мустаҳкамлаш учун нималар қилиш лозим деб ўйлайсиз?

— Партия сафларини мустаҳкамлаш масаласи партия ташкилоти фаолиятининг энг асосий томонларидан биридир. Бу масалани бошқа масалалар, яъни партияни бундан буёнги демократиялаштирилуви ва бошланғич партия ташкилоти ҳуқуқларини кенгайтириш каби масалалар билан бирга ёппасига ҳал қилиш тўғри бўлар эди. Шу муносабат билан демократик централизм принципини, партиянинг ички мунозараларини ривожлантиришни ва қарорлар қабул қилишни қайта англаш керак бўлади. Партиянинг барча органлари ишида кенгашиб ишлаш, фикрларнинг ҳар хиллигига, танқид эркинлигига, камчиликнинг кўпчилик қабул қилган қарорини бажаришда ўз фикрларида қолишларига кафолат берилиши керак бўлади.

Бошланғич партия ташкилотларига ўз фаолиятлари қурилиши формаси масалаларини мустақил ҳал қилишга, мажлисларни ўтказиш муддати ва кетма-кетлигини аниқлашга ва партияга қабул қилишда асосий ҳуқуқни беришга имкон тўғдириб бериш керак бўлади.

— Коммунист эътиқоди деганда нимани тушунасиз?

— 1917 йил октябрда партия томонидан танланган йўналишнинг тўғрилигини ва ундаги дадилликни тушунаман.

— Сиз раҳбар албатта партия аъзоси бўлиши шарт, деб ўйлайсизми? Партияга фақат лавозим учун киришади деган тушунчага нима дейсиз?

— Партия аъзоларининг раҳбарлик лавозимларини эгаллашга интилиши узоқ йиллар мобайнида халқ орасидан етишиб чиққан уқувли ташкилотчиларни аниқлаш ва юқорига кўтарилишларига тўсиқ бўлиб келди. Бу эса партия билан халқ ўртасидаги муносабатга салбий таъсир этди. Табиийки, айрим шахсларнинг коммунистик партия сафига киришдаги мансабпараст интилишлари илдиз ота борди. Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети январь Пленумида (1987 йил) бундай тажрибанинг нотўғри эканлиги таъкидлаб ўтилар экан, раҳбарлик лавозимларига партиясиз ўртоқларни ҳам тайинлаш принципиал масала эканлиги айтилди.

Район партия комитетида кадрлар масаласини ҳал этиш борасида муайян тажриба орттирилганки, бу ошкоралик ҳолатида номзодларни илгари суриш ва сайловда икки ва ундан зиёд номзодни кўрсатишликдир. Сайлаш ҳуқуқи эса меҳнат коллективи ихтиёрида қолади. Қоидага кўра меҳнаткашлар ишончини қозонган, партияга мансублигидан қатъий назар энг ташаббускор, лаёқатли кишилар муносиб деб топилади.

— Сиз шахсан коммунист сифатида район партия комитетининг қайта қуришга қўшаётган ҳиссасини қандай баҳолайсиз?

— Кўп одамлар қайта қуриш тушунчасини ўзларича тушунмоқдалар. У ҳақда кўпинча магазинларнинг бўш пештахталари, хусусий масалаларга қараб ҳукм чиқармоқдалар. Ҳақиқатан бу нуқтаи назардан район партия комитети томонидан оз ишлар қилинган. Агар жамиятни демократиялаш, ошкоралик, одамлар фаоллигининг ўсиши, ўз фикр, хулосаларини очиқ айтиш имконияти, коллектив ва ҳар бир гражданнинг ўз ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиши ва район миқёсида бўлаётган бошқа ўзгаришлар, катта силжишлар — ҳисобга олинса, ўйлайманки, район партия комитети томонидан кўп ишлар амалга оширилган ва ошириляпти.

— КПССнинг янги Устави керакми? Керак бўлса, унга қандай ўзгартиришлар киритиш лозим, деб ўйлайсиз?

— Қайта қуриш йўлида партияда юз бераётган чуқур ўзгаришлар КПСС Уставида ўз аксини топиши керак. Район партия ташкилоти КПССнинг янги Уставини ишлаб чиқиш бўйича ўз таклифларини киритди. КПССнинг янги Уставига ҳавола қилинган таклифлардан асосий мақсад — партия иши ҳаётида бундан кейин ҳам демократиялашни давом эттириш ва партияни жамиятда кечаётган янгиланиш ва тобора илгарилаш жараёнини таъминлашдир.

— Партиядаги янгиланиш «пастдан» бўлгани маъқулми ёки «юқоридан»?

— Бу масала диалектик характер касб этади. Мазкур битта жараённинг икки томонининг кескин фарқи нохуш оқибатларга олиб келиши мумкин. Масалан, фақат партиянинг юқори қатламига асосий эътиборни қаратиш унинг омма билан, бошланғич партия ташкилотлари билан алоқасига жиддий зарар етказиши мумкин. Оддий партия аъзоларига, қуйи партия ташкилотларига бир томонлама ёндошиш эса партиянинг раҳбарлик бўғини маълум даражада янгиланиш ва қайта қуриш жараёнидан четда қолишига олиб келиши мумкин. Бундай ҳолатда қуйидаги ва юқорида янгиланиш жараёнида мақбул муносабатларни топиш муҳимдир.

— Райком фаолиятининг услуб ва методларини такомиллаштириш учун нималар қилиш керак?

— Гап чексиз иш тури ва методларини ўйлаб чиқаришда эмас. Балки партиявий таъсирнинг бой арсеналини социал-иқтисодий тараққиётнинг ҳал қилувчи йўналишларида тўғри ишлата олишдадир. Мен шунга аминманки, биз бугун ҳам, келажакда ҳам одамлар билан маслаҳатлашган ҳолда ижтимоий онгда рўй бераётган жараённи чуқур ўрганишимиз, ижтимоий фикрларни мунтазам равишда ўрганиб боришимиз керак бўлади.

— Райком аппаратида, унинг тузилишида қандай ўзгаришлар рўй берди?

— Район партия комитети тузилишида қисман ўзгаришлар амалга оширилди. Партия ўзига хос вазифани бажариши лозимлиги назарга олингани ҳолда саноат-транспорт бўлими тугатилди. Унинг ҳисобига ташкилий ва мафкуравий бўлимлар мустаҳкамланди. Аппарат ходимларининг функционал вазифаларига ҳам анча ўзгаришлар киритилди.

— Сиз биринчи котиб сифатида райком бюроси аъзолари ишидан қониқасизми?

— Асосан қониқдим. Бюро аъзолари саводли, ўз вазифасига муносиб ўртоқлар. Улар коммунистлар орасида обрў ва таъсирга эга. Масалаларни ҳал этишда мен уларга кўпроқ фаоллик, изчиллик тилайман.

— Маълумки, КПСС XXVIII съездига тайёргарлик жараёнида партия ташкилотларида ўтадиган ҳисобот ва сайловлар муҳим босқич бўлса керак?

— Ҳа, албатта. Партия ҳаётидаги бу муҳим даврда партия ташкилотлари сайлаб қўйиладиган партия органлари ва коммунистларнинг қайта қуришнинг ҳозирги босқичда тутган ўрни ва роли тўғрисидаги муҳим масалалар худди айнан ана шу бошланғич партия ташкилотларининг ҳисобот-сайлов йиғилишларида кўриб чиқилади. Айнан улар КПСС XXVII съездидан кейинги даврда партия ишида қайта қуриш ва янгиланишнинг бориши, жамиятни демократиялаш, халқнинг социалистик ўз-ўзини бошқарувини чуқурлаштириш соҳасида амалга оширилган ишларни атрофлича таҳлил қилишга даъват этилганлар.

Суҳбатдош

Тўхтамурод ТОШЕВ.



⊙ МЕҲНАТ СУРУРИ. 10-автомобилларни созлаш заводининг илғор ишчиси Людмила Чабанова. Т. Каримов сурати.

Қисқа сатрларда

⊙ САМОЛЁТДА... БАЛИҚ ОВИГА. Юқори рентабеллик ва мунтазам равишда фойда олиш хўжалик ҳисобининг асосий мезонларидир. Шу боисдан ҳам Сергели авиакорхонаси коллективи иш самарадорлигини оширишнинг кўшимча йўлларини қидирмоқда. АН-2 самолётлари экипажлари Чордара сув омборига «Чартер» мунтазам рейсларини бажаришлари ана шу йўлдаги дастлабки қадамлардан бўлди. Республика пойтахти корхоналарининг буюртмасига биноан якшанба кунлари у ерга балиқ ови ишқибозлари самолётда учиб борадилар. Билет нархи арзонлиги, манзилга тезроқ бориш имконияти кўп шаҳарликларни самолётлардан фойдаланишга ундамоқда. Сергели авиаторлари яқин вақт ичида Фарғона водийси шаҳарларига почта юкларини ташишни ҳам ўз зиммаларига олмоқчилар.

⊙ «ПОДЗЕМГАЗ» станциясида бўлган Бутуниттифоқ кенгашида ер остида кўмирни газлаштириш борасида мамлакатда тўпланган тажриба умумлаштирилди. Кенгаш ишида қатнашган олимлар ва амалиётчилар кўмирдан газ ёқилғи олиш технологияси, унинг маҳсулотларидан комплекс фойдаланиш муаммоларини, экология, махсус инженер кадрлар тайёрлаш масалаларини муҳокама қилдилар.

Кўмирдан газ ёқилғисини олиш ғояси янги эмас. Бироқ мамлакатимизда 60-йилларда кўмирдан газ ёқилғи олиш технологиясини яратиш истиқболсиз ҳисобланган эди. Илмий тадқиқотлар тўхтатиб қўйилган, мавжуд «Подземгаз» станциялари ёпиб қўйилганди. Бундан фақат иккита станция истисно бўлиб, унинг биттаси Ангренда ўз ишини давом эттирди.

Мамлакатимизда экологик жиҳатдан тоза ёқилғига хорижий фирмалар қизиққанларидан кейин ҳам аҳамият берилмади: 70-йилларда «Вниипромгаз» институти ишланмалари ва Ангрен «Подземгаз» станцияси тажрибаси негизида ер остида газ ёқилғиси олиш усулларидан фойдаланиш ҳуқуқини берадиган ҳужжат миллионлаб долларга Америка фирмасига сотилган эди.

Фақат 80-йиллар ўрталарида «Подземгаз» яна совет олимлари, иқтисодчилари, экологларининг эътиборини жалб қилди. Канск-Ачинск ҳавзасидаги кўнғир кўмирдан экологик жиҳатдан тоза газ оладиган СССРда дастлабки корхонани ташкил этиш ҳақида қарор қабул қилинди. Бу корхонани лойиҳалаш ишлари бошлаб юборилди. Техник ечимларни пишиқтиришда турғунлик йилларида яшаш учун қаттиқ курашиб синовдан ўтган Ангрен «Подземгаз» станцияси ёрдам беради.

(ЎзТАГ).

Хориждан хабарлар

⊙ ЛОНДОН. Буюк Британия бош министри Маргарет Тэтчер М. С. Горбачев ўзи бошлаган ислоҳотларни амалга оширишда муваффақият қозонади, деган ишончни билдирди.

«Санди телеграф» газетасига берган интервьюсида у, менинг тушунишимча, совет раҳбари узоқни кўра билади, СССРга ҳозирги қийинчиликларни енгиб ўтиш имконини берадиган шахсий фазилатларга эга, деб таъкидлади. «Кўпинча мамлакат ўзгаришларни амалга ошира бошлар экан, аввалига муаммолар келиб чиқади, кейинчалик эса ижобий натижаларга эришилади», деб таъкидлади бош министр.

⊙ Ғазо шаҳрида ва унинг яқин атрофидаги фаластинликлар лагерларида ҳамда Иордан дарёсининг Ғарбий соҳилидаги Наблус, Тулькарм, Рамаллах, Калькида шаҳарларида фаластинлик намойишчиларнинг Исроил жазо отрядлари билан кескин тўқнашувлари давом этмоқда. Жазо отрядлари фаластинлик қизалоқларни ўлдирганлигига қарши норозилик белгиси сифатида минглаб кишилар кўчаларга чиқишди. Намойишларни бостириш учун ташланган қўшинлар ўқотар қуроллар ва кўзни ёшлантирадиган гранаталарни қўлладилар.

⊙ Прагада бўлиб ўтган Чехословакия Компартияси Марказий Комитетининг пленуми жамият ҳаётининг муҳим масалаларини, партиядаги аҳволни муҳокама қилди. Пленумда ЦКПнинг мол-мулки тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. ЧКП Марказий Комитети ва ЧКП Марказий Комитети ҳузуридаги марксизм-ленинизм институти бинолари, партиянинг «Прага» меҳмонхонаси ва қатор бошқа объектлардан фойдаланиш ҳуқуқидан воз кечиш ҳақида қарор қабул қилинди. Шу билан бир вақтда пленум, партиянинг фаолияти учун бинолар, ўз нашриёти ва бошқа айрим объектлар зарур, деб қайд этди.

⊙ Қандаҳор, Саманган, Бағлон ва Қундуз вилоятларида «Афғонистон ислом партияси» ташкилотига қарашли тўртта қуролланган мухолифлар гуруҳлари ҳукумат томонига ўтди. Собиқ исёнчилар миллий ярашув жараёнида иштирок этиш ва назорат қилаётган районларини унсурлардан муҳофаза этишга тайёр эканликларини изҳор этдилар.

⊙ Габоннинг иқтисодий пойтахти — Порт-Жантиль шаҳрида комендантлик соати жорий этилди. Маъмурларнинг қарори билан шанба кунидан бошлаб аҳолининг 5 кишидан зиёд гуруҳларга йиғилиши ман этилди. Гап шундаки, бир кун аввал ана шу шаҳарда ишсизлар ва «назоратсиз унсурлар» иштирокида оммавий тартибсизликлар содир бўлди. Армиянинг аралашувигина ана шу тартибсизликларга чек қўйди. Мамлакат нефть саноати корхоналарининг қарийб ҳаммаси жойлашган Порт-Жантиль шаҳрида икки мингдан зиёд француздар, АҚШ, Голландия ва бошқа мамлакатларнинг кўпгина гражданлари истиқомат қилишади.



⊙ МЎҒУЛИСТОН. Ушбу либоснинг қўй терисидан тикилганига ишониш қийин. Ана шундай тантаналарда кийиладиган ва ошланган теридан тикилган нимпўстинни ўз касбининг усталари — Дархон қўй териси-пўстин фабрикасининг моделчилари яратдилар. Корхонанинг 12 либоси қатори бу либос «Мода—90» конкурсига тақдим этилганди.

МОНЦАМЭ — ТАСС сурати.

Луқма

ЁЛҒОН СЎЗНИНГ БАҲОСИ ҚАНЧА?

«Оғзингдан чиққан сўз сеники эмас — халқники, ичингда қолгани сеники» дейилади. Демак, оғиздан чиққан ҳар бир сўзнинг масъулияти шу қадар катта, телеэкран оғзидан, радио карнайидан чиққан сўзнинг масъулияти эса, ундан ҳам зўр ва бениҳоя. Шундай бўлгач, ҳар куни неча бор такрорланиб турадиган ёлғон сўзнинг баҳоси қанча! Ўзбекистон телевиденнесининг «Информацион ахбороти»да, Ўзбекистон радиосининг «Сўнгги ахбороти»да ҳар куни неча марта «Об-ҳаво маълумоти» берилади. Халқ буни зориқиб кутади ва эътибор бериб тинглайди. Чунки деҳқон эртанги ишини шунга қараб режалайди, шаҳарликлар — шунга асос ёпинчиқ олади. Об-ҳаво маълумотининг халқ хўжалиги, одамлар турмушию юмуши учун хизмати катта.

Ана шу ҳалол хизмат қандай бажариляпти! Афсуски, кўнгилдагидай эмас. Телевидение ва радио орқали бериладиган об-ҳаво маълумоти ҳанузгача турғунлик қолипидан чиқолмаяпти, шу боисдан эфирга ёлғон гап тарқаляпти. Нимаси ёлғон! Иссиқ-совуқ, шамол ҳақидаги атамалари ёлғон. «Об-ҳаво марказининг берган маълумотига қараганда бугун...0—3 даража совуқдан 0—2 даражагача иссиқ бўлади, минутига 3—4 метр тезликда шамол бўлади», дейилади.

Ўзингиз ўйлаб кўринг: бунинг нимаси рост! 0 даражада сув музлайди. 0—2 даражада чопон кийиб юрамиз. Бунинг нимаси «Иссиқ»!! Ахир, об-ҳавонинг паст-баланд даражасини билдирадиган сўзларимиз «Иссиқ-совуқ»дангина иборат эмас-ку! Бисотимизда симоб устунининг юқори даражаларини билдирадиган «илиқ», «илимилиқ», «иссиқ», «қайноқ», «оташин», «жазирама» сўзлари ҳам бор-ку. Ёки симоб устунининг пастки даражасини ифода қилувчи «совуқ»гача яна анча сўзлар мавжуд: салқин, ушук, изғирин, аёз... Ана улардан кейин «совуқ» сўзига навбат, унинг кетидан қаттиқ совуқ, қаҳратон қиш келади.

Инсоф билан айтиш керак: радиомиз «Сўнгги ахбороти» яқиндан бери «илиқ» сўзини ишлатиб, яхши иш қиляпти, аммо «Информацион ахборот» «Гап битта бўлади, «Иссиқ-совуқ»дан бўлак атама йўқ», деяпти. «Шамол» масаласида ҳам худди шундай: 3—4 метр тезликдаги ҳаракатни «шамол» эмас, «шабада» дейилади. Шамол турса, чангтўзон кўтарилади, дарахтларнинг шохлари эгилади, синади, бошлардаги дўппилар учади. Кичик тезлик билан эсган табиий ҳаракат «майин шабада», «шабада», «сабо» дейилади, Қўқон ва Бекободда учраб турадиган секундига 25 метрдан кўпроқ тезликдагисини шамол дейдилар. Ундан юқориси «Кучли шамол», «Бўрон» бўлади.

Ҳар нарсани ўз номи билан аташга ўрганайлик. Бунинг учун президент фармонию Нозирлар Кенгашининг қарори чиқиши шарт эмас.

Иброҳим РАҲИМ.

Янгиликлар — Воқеалар — Хушхабарлар

ЯРИМ МИЛЛИОН СЎМ ЁРДАМ

⊙ **ШАҲРИМИЗДАГИ 93-қурилиш трести жамоаси санъат даргоҳлари билан яқин алоқа боғлаб, бинокорларга намунали маданий хизматни кенг йўлга қўйиш тадбирларини кўрмоқда.** Киносанъат ходимлари ҳам қурувчилар ҳузурида тез-тез бўлиб туришади.

Яқинда трест маъмурияти катта ҳиммат кўрсатди. Янги яратилаётган тўла метражли бадиий фильмни тезлаштириш мақсадида моддий ёрдам фондини ажратди. Ана шунинг эвазига «Қотиллар» деб номланган лентани ўз вақтида сифатли суратга олиш имкони туғилди.

Кинорежиссёр М. Боймуҳамедов бошчилигида суратга олинаётган фильм учун ярим миллион сўм пул ўтказилди. Янги фильмдаги ролларни ўйнаш учун моксвалик киноартистлар ҳам таклиф қилинди.

С. ОДИЛОВА.

ОХУНБОБОЕВ УЙ-МУЗЕЙИ

⊙ **ЎЗБЕК халқининг атоқли фарзанди Йўлдош Охунбобоев истиқомат қилган Куйбишев районининг Оржоникидзе кўчасидаги 19-уйда Охунбобоев уй-музейи ташкил қилинмоқда.** Ҳозир бу ерда материаллар, фотосуратлар, китоблар тўпланмоқда. Ремонт ишлари эса тугалланай деб қолди. Агар кимда ким Охунбобоев билан суратга тушган ёки у билан суҳбат қурган бўлса, илтимос, музейни очишга ёрдамларини аямасинлар. Бу ҳақда 33-51-31 телефонига қўнғироқ қилишлари ёки Оржоникидзе кўчасидаги 19-уйга ташриф буюришлари мумкин.

О. МАҲМАЮСУПОВ.

АНЪАНАЛАР РУҲИДА

⊙ **ОКТЯБРЬ районидаги 141-ўрта мактабда «Балли, қизлар» конкурси бўлиб ўтди.** Бу ижодий беллашувда 10-«А» ва 10-«Б» синф қизлари фаол қатнашиб, ўз маҳоратларини намойиш этдилар.

Кўрик шартларида тарихан шаклланган анъаналаримиз, яхши удумларимиз, эски ривоятлар, халқ термалари, турли лапарлар ҳам ўзбек миллий таомлари тайёрлаш бўйича турли топшириқлар ўрин олган эди. Бунда Гулноза Аслонова ўз устунлигини намойиш этди. 10-«б» синф шаънини ҳимоя қилган бу билимдон қиз барча шартлар бўйича юқори баҳо олишга эришди. Кўрик сўнггида ўқувчилар ижросида саҳналаштирилган С. Аҳмаднинг «Келинлар қўзғолони» асаридан парча намойиш этилди.

Д. ЗОКИРОВА.

ОЛТИН НИШОН ОЛДИ

⊙ **ТЎҚИМАЧИЛАР маданият саройи қошидаги «Родничок» рассомлар тўгарагига Яков Львович бошчилик қилиб келмоқда.** 1987 йилда унинг ўқувчиси Лена Иванованинг учта картинаси Японияда ўтказилган кўргазмада олтин медалга сазовор бўлган эди.

Яқинда маданият кошонасида бу тўгарак ўқувчиларининг 1989 йил давомида ишлаган картиналари кўргазмага қўйилди. Кўргазмадан 200 дан ошиқ тинчлик, дўстлик ва тарихий саналар тасвирланган картиналар ўрин олди.

О. АБДУРАҲМОНОВ.

«ОРЗУ»ГА МАРҲАМАТ!

⊙ **ҚЎЙЛИҚ-5 даҳасида аҳолининг истак ва талабларини қондириш мақсадида турли маиший хизмат уйлари, болалар боғчалари, магазин ва қаҳвахоналар ишга туширилмоқда.**

БУГУН бу ерда «Орзу» қаҳвахонаси иш бошлади. Бир йўла 60 хўрандага хизмат кўрсатадиган бу умумий овқатланиш корхонасида иссиқ таомлар, кофе, салқин ичимликлар, музқаймоқ ва қандолат маҳсулотлари мавжуд.

Ю. ҲАКИМОВ.

ДАҲА АҲОЛИСИ УЧУН

⊙ **ҚЎЙЛИҚ-4 даҳасида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан савдо қилувчи дўкон ишга тушди.** Дўкон аҳолини сабзавот ва мевалар, кундалик эҳтиёжлар учун зарур бўлган маҳсулотлар билан таъминлайди.

Ҳ. ЮСУПОВ.

ТЕЗКОР ҚАҲВАХОНАСИ

⊙ **СОБИР РАҲИМОВ районининг Қорасарой ва Касаба уюшмасининг 50 йиллиги кўчалари муюлишида тезкор қаҳвахонаси ишга тушди.**

Бу ерда қаҳва, ёғда пишган сомса, манти ва музқаймоқ, шарбат ичимликлар билан савдо қилинади.

Д. АЪЛОЕВ.



Советлар мамлакатида

⊙ **МОСКВА. Пойтахтда яна бир қўшма корхона иш бошлаяпти. Унинг номи «Заритал» бўлиб, бу ном унинг таъсисчилари: Москва пойабзал саноат-савдо бирлашмаси «Заря» ҳамда Италиянинг «Коголо ва Ижи» фирмаси номидан келиб чиққан.**

Шу ойнинг охирига келиб, совет ва итальян косиблари яратган дастлабки минглаб жуфт аёлларнинг туфлилари ва этиклари «Заря» бирлашмасининг фирмали магазинларига етказиб берилади.

СУРАТДА: совет — итальян қўшма корхонаси маъмурияти ва мутахассисларининг техник кенгашида.

⊙ **Ҳозирда инкассатор (сайёр кассир) касби кўпчиликка яхши маълум. СССР Давлат банки ҳузурида ташкил этилган хўжалик ҳисобидаги инкассация бирлашмасининг иқтисодий мустақиллиги турғунлик йилларида унутиб юборилган ана шу муҳим давлат ишини қайта йўлга қўйиш имконини берди.**

СУРАТДА: Москва инкассаторлари.



ТАСС суратлари.

Турмуш чорраҳаларида

ҲАҚИҚАТНИ КИМ СЕВМАЙДИ?

РАЙКОМ биноси олдидаги бир чеккаси гулзор майдончада баҳслашаётган ёшлар ҳамманинг диққатини ўзига тортарди. Уларни бирин-кетин ичкарига таклиф қилишганда ҳар бирининг юзида ўзгача ҳаяжон акс этар, худди биринчи бор жангга кираётган солдатдек шаҳдамона юриш билан зиналардан чиқиб боришар эди.

Бугун ҳам бюрода бериладиган савол-жавоблар одатдагидек бир хил бўлди: «Устав ва Программа билан мукаммал танишмисиз?.. Нима учун партияга ўтаяпсиз?».

Дарвоқе, чиндан ҳам бу киши Ленин партияси сафига нима учун ўтаяпти? Ҳалол ва виждонан яшаш, доимо олдинги сафда бориш, коммунист деган юксак номни сақлаш, унга сира доғ туширмаслик!.. Ким билади, яна уларнинг кўнглида нималар кечаяпти, қандай орзуҳаваслари бор? Бунисини ўзларидан бошқа ҳеч ким билмайди, бунн фақат вақт ўтиб, амалий ишлари ва турмуш тарзлари кўрсатади.

Очиқ гап, етмиш йил давомида жаранглаб келган, аммо бугунги кунда ўз кучини йўқотаётгандек бўлаётган бу сўзларнинг кимларга фойда-зарари борлиги кишини ўйлантирмай иложи йўқ. Зеро, миллионлаб инсонларга ёруғ йўлни кўрсатган, бахт-саодат берган, Улуғ жанглардан она-Ватанни ғолибона олиб чиққан, мазлум халқларни асрий ғафлат уйқусидан уйғотган Ленин партиясига энди «Инқирозга юз тутди», деб қаралишига ақл бовар қилмайди!

Хўш, бундай гумон-шубҳаларга, партиямизнинг обрў-шуҳратига гард-ғубор тегишига нималар, кимлар ва қандай ножўя ҳаракатлар сабаб бўлаяпти? Мана шу муаммоли ўй-хаёллар менга баъзи воқеаларни эслатди.

...ШУ КУНИ оқшомда Ғиёс отани сўнгги йўлга кузатишди. Ҳар қалай, марҳум лутф-карам кўрсатиб дафн этилди. Ғиёс отадан уч йил давомида қариялар уйида яшаган дамларию, ёстиғи тагида сақланган ён дафтарчасидан бўлак ҳеч нарса қолмади.

Мен якшанба куни уйимизда бўладиган тадбирга маҳалла оқсоқолларини таклиф этиш учун ишдан чиқдиму, йўл-йўлакай чойхонага кириб ўтишга шошилдим.

Чойхона ичига ташқаридан қараганда гўё ҳеч ким йўқдек, жим-жит. Хонага кирганим заҳотиёқ ғала-ғовур қамраб олди. Кимдир баланд овоз билан «жон» куйдириб алланималарни тушунтиряпти, афтидан яна ўша гаплар: «Бор эди, йўқ бўлди», «Фалончини ушлашибди», «Катта кетувди, пора билан қўлга тушиб аспаласофинга кетибди...». Бу гапларни эшитган эшитяпти, эшитмаганлари сармаст уч-тўрт қилтириқ йигитча «тақ-тақ» уриб нард ўйнашяпти. Тамаки тутунидан ҳатто ёниб турган лампочка ҳам хира жимирлайди.

— Ассалому алайкум!

— Ваалайкум ассалом, келинг ўғлим.

Мени бир давра чоллардан овлоқроқ жойда икки тиззасини қучиб ўтирган Олим отанинг салобатли овози қарши олди:

— Келинг, келинг, нечук, қайси шамоллар билан?

Олим ота мақсадимни билгач: «Маъқул, албатта ўтамиз, айтгандай тадбирларингни кечки пайтга мўлжалласанглар, соз бўларди, — деди хўрсиниб. — Пешин пайтига бир бекат наридаги маросимга боришимиз керак. Ҳўв анави Ғиёс Қайсарникига.

— Ҳа, танийман Ғиёс отани, — дедим ўйчан, — қариялар уйида яшаган эдилар-ку?

— Тўғри, аммо у 44-домда яшаган, ҳозир ўша уйда талабалар ижарага туришибди... Энди ўғли маъракасини ўтказмоқчи эмиш.

Бирдан ҳаво етишмагандек бўлиб, юрагим қалқиб кетди...

Ғиёс отанинг ўзимизнинг маҳалламиздан эканликларини шу вақтга қадар билмас эканман. Отахон билан суҳбатлашганимда, буни яширган эканлар-да, деб ўйладим. Дарвоқе, кези келганда бир катта уйда яшайдиган қўшниларимизни танимаймиз-у. Билишимча, Олим ота Ғиёс Қайсар деяётган марҳумнинг йигирма йиллар чамаси дўсти бўлган эканлар. Гапдан гап чиқиб, бир пиёла чой устида суҳбатимиз қизиб кетди.

— Эй, ўғлим, сиз мухбирлар бир нарсага қизиқиб қолсаларингиз охирига етказмагунча қўймайсизлар-да, — деди Олим ота кулимсираб. — Ғиёс иккимиз деярли тенгдош эдик, урушда ҳам бирга бўлганмиз, фирқада эдик. Шу маҳаллада кўп йиллар бирга яшадик. Шўрлик хотини эрини ҳар нарсага аралашаверманг, ҳақиқат деб одамларнинг бошини ёрасизми, беш қўл баравар эмас, ўзингизни билиб, аравангизни тортиб юраверинг, дея жаврай-жаврай дунёдан ўтиб кетди. Ўзинг ўйлагин, ҳар нарсага, бўлар-бўлмасга аралашган одам кимга ҳам ёқарди. Эсимда, бир куни ўша Қайсар икковимиз мана шу чойхонадан ўтиб кетаётиб, ёшларнинг маишат қилиб, оғзидан боди кириб, шоди чиқиб ўтирганларини кўрдик. Ҳе йўқ, бе йўқ, Ғиёснинг Қайсар феъли тутиб, уларга танбеҳ бера бошлади. «Шер» бўлиб ўтирганларга насиҳат кор қилармиди, ёшимизни ҳурмат қилишди шекилли индашмади... Яна бир кун ҳалол бўлиш керак, деб ёнгинамиздаги магазинда жанжал кўтарди. Яхшиямки маҳалла комитетига сайламаганмиз. Ўлганни ёмонламаслик керак, лекин одам дегани сал кўрпасига қараб оёқ узатиши керак-да. Қайсарвой идорама-идора югуриб ҳақиқатни роса излади. Бировларнинг ташвиши билан ишинг нима, ахир гўрингдан тўринг яқин, дея кўп койидим. Ундан район раҳбарлари ҳам безор бўлишганди. Очиғини айтганда мен ҳам охири ранжидим, уни деб маҳалладагилар сал бўлмаса каминадан ҳам «иғвогарнинг шериги» деб қўлларини ювишаёзганди.

Яна такрор айтаман, мухбир укам, марҳумлар ҳақида бундай гапларни айтиш яхши эмас албатта, лекин дўсти эканман, тушунтирдим, тушунмади, қисқаси панд-насиҳат кор қилмади. Кейинчалик билсак илм эгаси бўлган ўғлини ҳам жонидан тўйдирибди, қайнотасиникига кўчиб кетибди, Қайсар ўзи уйда якка-ёлғиз қолибди. Айрилганни бўри ер, деб шунга айтишади-да. Уни ҳам Бўри еб қўйди, ғам-ташвиш, ёлғизлик, ноҳақликни йўқотиб, ҳақиқатни топаман дейиш Бўрига дуч қилади.

Мана, сенлар ўғлим, ҳаёт ҳақида, ҳақиқат ҳақида кўп ёзасизлар. Шу пайтгача у дедик, бу дедик, хўш нима бўлди, охири... Гапирса — гап кўп. Сайловни олиб кўр. Кимлардир бир гуруҳ бўлиб олиб, халқ хизматкорлигига ўзига фойдаси тегадиган одамни сайлаяпти, баъзилари «Мени сайланг — мени сайланг» дегандек ўзини ҳар хил йўллар билан тарғиб қилиб сайланаяпти. Ғиёс Қайсар олдинги сайловда нега шунақанги номзодларнинг астарпахтасини ағдариб ташлаб, «Мен бунақа депутатларга овоз бермайман!» деб залдан бақириб чиқиб кетди. Э, Қайсар Ғиёс, сенга нима, ким сайланса ҳам сенга тож-тахт қуриб берармиди, сайлаб юборавер, дедим...

Олим отанинг сўзларини тинглар эканман, марҳум Ғиёс ота ҳақида бир оғиз ширин сўз эшитмаганимдан оғриндим. Наҳотки маҳалланинг Олим ота каби ҳурматли, уруш азобларини бошидан кечирган, ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотган киши шунақа ваҳимага тушиб қолса.

Қариялар уйида эшитиб-билганларим Ғиёс отага бўлган меҳримни оширган эди. Қарангки, уйдаги гап — кўчага тўғри келмас экан. Шу кеча ҳар хил ўй-хаёллар менга тинчлик бермади. Тикан устида ётгандек гоҳ у томонга, гоҳ бу томонга ағанаб, сира уйқум келмади. Бир хаёлимда: «Менга нима, бундайлар озми? Ғиёс Қайсар яқиним, қариндошим бўлмаса, эҳтимол Олим ота айтганидек, у ўзига-ўзи қилгандир, тинчгина яшайвермасмиди бу қайсар чол, оқибати нима бўлди?» деб ўйладим. Лекин виждоним қийналарди. Йўқ, у ундай қилолмади, сут билан кирган — жон билан чиқади. Қайсар чол ҳақиқатни севарди. У шунга курашди. Ҳаромхўр, виждонсиз, қаллобларни фош қилмоқчи бўлди. Йўлдан адашаётганларни қайтармоқчи бўлди. Лекин бу одиллик ва софдиллик уларга ёқмади. Унинг на яқини, на дўсти қолди. Лекин дунёда тўғриликдан яхши дўст бўлмас экан.

Ғиёс отанинг таржимаи ҳоли оддийгина, мақтайдиган ери йўқ. У ҳам кўплар қатори етимликда ўсди, урушга борди. Ватан учун жанг қилди, партияга ўтди, ортиқча орден-медаллари ҳам йўқ. 1943 йилда Полтава яқинидаги жангда яраланди, қадрдон Тошкентга қайтиб келди. Заводда ишлай бошлади. Шу ерда Ханифа аяни топди, тақдирини боғлади. Бир ўғил ва икки қизни тарбиялади. Кейинчалик Қозироболдаги ҳовли бузилиб, Юнусободга, домга кўчишди. Шу ерда Олим ота билан дўстлашди, уни ўзи ишлайдиган заводга жойлашишига кўмаклашди. Қийинчилик кунларида уйидан жой берди, тўғри йўл кўрсатди. Ҳаром-хариш ишларга қўл урмади. Мажлисларда ҳақ гапларни айтганида кўпчиликка маъқул бўлса ҳам, ҳеч ким назарга олмади, фақат чапак чалишди-ю, амалга оширишмади, баъзилар: «Сен айтган гаплар — эртакларда бўлади», деб масхараомуз кулиб кетаверишди. Ғиёс ота эса ҳақиқатни кўриб турар, одамлар уни оёқости қилишаётганидан баттар қайсарланар эди. У ҳатто биттаю-битта ўғлининг ўқишга киришида «Илму кучинг етса ўзинг кир, пул бериб мулла бўлмай қўя қол», деб оталиқ қилмади. Собиржоннинг яхшиям бахтига тоғаси бор эди, жиянидан марҳаматини дариғ тутмади...

Ғиёс ота пенсияга чиқди-ю, ҳеч кимга буткул ёқмай қолди. Тўғрисўзлиги охири бошига етди. Ёлғизлик уни бетоб қилиб қўйди. Энди отанинг ҳеч кимга кераги бўлмай қолди. Бир куни Собиржон фахрланиб: «Дада, мен ҳам сизга ўхшаб коммунист бўлдим», деганида ота чуқур хўрсиниб қўйганди. Ўша кезлари партия сафига ўтадиганлар қўзиқориндек кўпайиб кетганди, оқибатда амалга интилган «виждон»лар ажриқ уруғидек униб-кўпайиб катта-катта амалларда ўз аксини топди. «Шахсий садоқат», порахўрлик, ошна-оғайнигарчилик, қариндош-уруғчилик, келишувчилик ҳақиқатдан устун келди. Қарангки, вақт келиб ғарқ бўлаётган эътиқод кемасини томоша қилишдан ўзга илож йўқдек туюлиб қолди. Ахир, шу улкан ва маҳобатли кемада қанча йиллар бирга суздик, энди унинг қадрини топтаб, ҳалокатга учратиш ва бошқа кемага сакраб ўтиб олиш виждонга хилоф эмасми?!

...Пешинда хотирлаш маросимига келганларнинг сон-саноғи бўлмади. Уларнинг кўпи марҳум Ғиёс отани танишмайди ҳам. Ҳар ҳолда уларнинг ўғиллари Собир Ғиёсовичнинг ҳурматлари бор. Ахир, у киши бир пайтлар бадном бўлиб, сўнг қувилган амал курсисига яна қайтиб келди-да. Турғунлик даврида докторлик диссертациясини қинғир йўл билан ёқлаётганликда «айбланган»ди. Қаранг-га, унинг фикрича ҳақиқат бор экан, «юза»га чиқди.

Кеча кўрган тушни худди ўшандай тарзда кўриш кишини ажаблантиради. Халқимизда: «Тирикликда қилмадинг шод, ўлганида хоҳ қил, хоҳ қилма ёд» деган нақл бор. Отасининг қадрига етмаган Собир Ғиёсович «қўл остида» ишлайдиганларга нима каромат кўрсатаркин? Фақат бир фожиага — ўша «Қайсар» лақабли Ғиёс ота ҳақиқат учун курашни ўзи билан олиб кетганига ачинаман.

* * *

РАЙКОМ биноси олдидаги майдон гулзори ёнбошида тўпланиб турганларни кўраман. Уларнинг юзларида ташвиш, ишончсизлик, баъзилари кечагина фахр билан олган табаррук партия қизил билетларини топширмоқчи бўлиб туришибди. Бахтиларига шу «оломон» орасидан чиққан оддийгина бир ишчи жонларига оро кирди, ҳаммани тинчлантирди:

— Дунёда яхши одамлар кўп, биродарлар! — деди ҳалиги йигит. — Партиямиз доим донолик билан ҳақиқат учун курашиб келди, яхши одамларни ҳақиқатга чорлади. Виждони нопок, қаллоб ва манфаатпараст кимсалар ҳақиқатни севмаслиги мумкин. Ҳақиқат эса биз томонда!..

Мен мана шу ишчининг чин қалбдан айтаётган дил сўзларини эшитиб, беихтиёр қариялар уйида етимларча яшаб, вафот этган, ҳамма жойда ҳақиқат учун курашган Ғиёс отани эсладим. «Қайсар» лақабини олган шу отахоннинг нурли сиймосида оддий бир коммунист сифатида эртанги кунимизнинг жамолини кўргандек бўлдим.

Акмал АКРОМОВ.

Табиат—ҳаёт чашмаси

ЖОЗИБАЛИ ТУРМУШ БЕШИГИ

БИЗ яшаётган еримизнинг ҳозири ва келажагини ўйласак, унинг табиатини муттасил муҳофаза қилишимиз керак. Асрлар давомида шаклланган мувозанатни бузиш жуда катта салбий оқибатларга олиб келишини Орол мисолида кўриб турибмиз. Шунга кўра, табиат ҳақида ғамхўрлик қилиш ҳаётимизда кўпроқ ўз аксини топмоқда.

Ҳозир атмосферадаги кислород миқдори ҳақида бош қотириш вақти етди. Масалан, АҚШда бир йил мобайнида ер сатҳида ҳосил бўлаётганга нисбатан 40 фоиз кўпроқ кислород истеъмол қилинмоқда. Демак, етишмагани Мексика, Канада ва океанлар ҳавосидан олинаяпти. Бундай ҳол келгусида халқаро ҳаёт манбаи — кислороддан самарали фойдаланиш қонунларини ишлаб чиқишга олиб келиши турган гап.

Автомобилларнинг ҳар бири, энг кам деганда бир одам учун зарур бўлган кислородни ютиб, қанчадан-қанча заҳарли газ чиқаради. Атмосферани тоза сақлаш муаммоси шаҳримиз меъморлари ва қурувчилари олдига ҳам енгил ҳаво алмашиш билан боғлиқ бўлган масалаларни ҳал этишни қўймоқда.

Атмосферани муҳофаза қилиш ҳақидаги қонунни «Бу соҳада назорат қилиш хизматларини жорий этиш керак», деган модда билан тўлдирилса мақсадга мувофиқ бўлур эди. Шунингдек унга, «Ман этилсин» деган бандлар киритилиб, «Барча нозирликлар учун сўзсиз бажариш мажбуриятдир», деб қўшиб қўйиш керак.

Инсон — табиатнинг бир зарраси ва онгли бўлаги. Зеро, шундай экан у ўз ақл-идрокини табиий бойликларни сақлаш учун ишлатиши зарур. Ер юзидаги барча давлатлар атроф-муҳитга зарар етказадиган ҳарбий техника ва шунга ўхшаш воситалардан батамом воз кечишса айни муддао бўларди. Иттифоқимизда эсаётган қайта қуриш шабадаси туфайли бу борада катта ютуқларга эришилмоқда. Шунга қарамай, дунёдаги саноат маҳсулотининг 30 фоизини ишлаб чиқараётган мамлакатимизда ҳам табиат муҳофазаси муаммоси кун сайин мураккаблашиб бораётганини, унга кўплаб давлат маблағи сарфланаётганининг гувоҳи бўлиб турибмиз.

Бизнингча, янгидан-янги конларни ўзлаштириш, завод ва фабрикаларни қуриш, темир йўл тармоқларини кенгайтиришда, албатта, табиат билан ҳисоблашиш лозим. Дунё океани ва атмосфера сайёрамиз халқининг умумий ва тенг мулкидир. Демак, атроф-муҳитни сақлаш ва қўриқлашда ер юзи халқлари бирлашишлари лозим.

М. ЗОКИРОВ,
геология ва минералогия фанлари доктори,
И. ОТАЖОНОВ,
СССР география жамиятининг ҳақиқий аъзоси.

КЎЧАГА НЕГА ОҚАВА ОҚДИ?

Ногаҳон телефон жирингладн.

— Лаббай, эшитаман.

— Кечирасиз, бу, шаҳар табиатни муҳофаза қилиш комитетими?

— Худди шундай.

— Мен Шомаҳмудов кўчасидаги 265-уйда истиқомат қиламан... Яна кўн-мўйна заводи канализациясида авария бўлди!

Орадан бир оз вақт ўтар-ўтмас яна қўнғироқ овози эшитилади, яна шу кўнгилсиз ҳол ҳақида одамлар шикоят қилишади.

Одатга кўра, бир гуруҳ комитет ходимлари Тошкентнинг Октябрь районида жойлашган кўн-мўйна заводи томон йўл олдилар.

Ҳақиқатан ҳам Шомаҳмудов кўчасида истиқомат қилувчи табиат жонкуяри О. Моҳиров ва бошқа ўртоқлар телефонда айтган шикоятларида жон бор экан. Завод канализациясига оқизилаётган корхона оқиндиси яхши тозаланмаганлиги учун қуйқаланиб, қувурларга тиқилиб тоша бошлаган. Натижада маҳалла кўчаларини ифлос оқава босган.

Табиатни муҳофаза қилиш комитети ходимлари томонидан қонунбузарликка йўл қўйган завод раҳбарларидан атроф-муҳитга келтирган зарар учун лаборатория анализи аниқлангач, корхонадан жарима ундириб олинади.

Аниқланишича, лойиҳада режалаштирилган 300 миллиметр диаметрли қувур ўрнига 150 миллиметрлиси ўрнатилиб, шу кунгача корхона ифлос сувлари оқизиб келинган.

Завод директори М. Ҳайитжоновдан нима учун корхона атроф-муҳит муҳофазасига бу даражада совуққонлик билан қараб келаётганини сўрадик.

— Менга мерос қилиб ташлаб кетилган камчиликларни бартараф қилдик, — деди у. — Энди навбат шу канализация қувурини ўзгартириб, тозалаш қурилмасини яхшироқ реконструкция қилишга келиб тақалди. Яна шуни айтаманки, авария ҳолатининг келиб чиқишида фақат завод айбдор эмас. Маҳалладагилар баъзан уйрўзғор чиқиндиларини завод канализация қудуғига ёки оқар сувга ташлашади.

Бу гапда ҳам жон бор. Табиатни муҳофаза қилишдек хайрли иш ҳар бир виждонли инсоннинг вазифаси бўлмоғи керак. Авария олди олинди, комитет ходимлари яна тез кун ичида авария ҳолати қайтарилса, маҳсулотларни бўяш цехи ёпилиши ҳақида огоҳлантирдилар.

Бироқ, орадан ўн кун ўтмай корхона жойлашган маҳалла аҳлидан такроран шикоят тушди. Шаҳар табиати муҳофазачилари шошилинч группаси кўн-мўйна корхонасига яна ташриф буюришди. Буни қарангки, бу сафар бир ноинсоф киши заводдан чиқадиган канализация оғзига бир уюм ахлат тўкиб, ҳатто сўйилган қўй каллапочасини ташлаган. Натижада сув тоша бошлаган....

Бизнингча, корхона билан унга қўшни маҳаллалар аҳли орасида анча йиллардан бери рўй бериб келаётган келишмовчиликнинг бирдан-бир тўғри йўли эскириб қолган канализация системасини тезроқ янгилашдир. Шу билан бирга, маҳаллалар аҳли ҳам атроф-теварак саранжом-сариштaлигига, табиатнинг мусаффолигига қайғуришса айни муддао бўлур эди. Ахир, бу ҳамма бир ёқадан бош чиқариб ҳал қилса бўладиган иш-ку!

А. РАШИДОВА,
Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш комитетининг ходими.

БИРЛАШМАДА—ЯНГИ РЎЗНОМА

СССР 60 йиллиги номидаги Ўрта Осиё кабеллар ишлаб чиқариш бирлашмасида янги рўзнома ўзбек тилида чоп этила бошлади.

— Азиз муштарийлар, — дейилади унинг ўз муштарийларига мурожаатида, — қайта қуриш ва революцион ўзгаришлар даврида корхонамизда кўплаб масалалар ҳал этилиб, талай муаммоларни ечиш борасида изланишлар олиб бориляпти. Ишлаб чиқариш кўламини ошириш, тайёрланаётган маҳсулотлар сифатини талаб даражасига етказиб, жаҳон бозорига кўплаб товар чиқариш учун имкониятлар ишга солиняпти. Бу борада газета маъмурияти, партия ва комсомол комитетлари, касаба уюшмасининг ғоявий кўмакчиси бўлишни ўз олдига вазифа қилиб қўйган.

Рўзноманинг илк сонидан ўрин олган публицистик мақола, бирлашма давлат қабули раисининг ўринбосари А. Коваженко, «Алоқачи» кооперативи ҳайъатининг раиси Т. Маҳкамов мақолалари ва бошқа қизиқарли материаллар, жамоатчи сурат-кашларнинг сурат-лавҳалари ўз муштарийларига манзур бўлди.

Корхона тарихида биринчи марта ўзбек тилида чоп этилаётган бу янги рўзномага «Учқун» деб ном берилди.

Ҳ. АБРОРОВ.

Анъаналар—халқ мулки



Серзавқ ва файзли



Абдулла Қодирий номли маданият уйида ҳозир бўлган Киров район улгуржи-чакана савдо мева ва сабзавот комбинати ишчи-хизматчиларининг шу кунги қувончи айниқса чексиз эди. Улар билан байрам тантаналарини бирга нишонлашга ҳамкорликдаги хўжаликларнинг вакиллари ҳам ташриф буюришди.

Қўқлам таомлари Наврўз дастурхонини безаган кенг залда шўх ўйин-кулгулар авжига чиқди. Ҳамма иш ва турмуш ташвишларини унутиб, саҳнада хиром айлаётган раққоса қизларнинг жозибали рақсларини берилиб кузатди. Наврўзни тараннум этувчи дилрабо қўшиқлар юракларни ром этди.

— Наврўз одамларга яхшилик уруғини сочади, — дейди Киров район улгуржи-чакана савдо мева ва сабзавот комбинатининг директори Абдувосиқ Юсупов. — Шу боисдан ҳам уни кенг нишонлаш истаги туғилганида ҳамма қўллаб-қувватлади. Район партия, совет ташкилотларининг амалий ёрдами туфайли бу оммавий тадбирни қизиқарли ўтказишга эришдик. Мукаррама Турғунбоева номидаги Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган «Баҳор» халқ рақс ансамбли ва районимиз маданият уйи санъаткорларидан беҳад миннатдормиз.

Комбинатда Наврўз байрами жуда қизиқарли ўтди. Унда иштирок этган турли миллат вакиллари муборак айёмнинг байналмилал характерда эканлигига комил ишонч ҳосил қилдилар.

Р. АҲМАДАЛИЕВ.

⊙ СУРАТЛАРДА: байрам айёмидан лавҳалар.

Х. Мирзакаримов суратлари.

«ЎЗГАН»ДАГИ АҲИЛЛИК

Забиҳилла ака ўзи бошчилик қилаётган жамоанинг бир хислати ҳақида тўлқинланиб гапирди. Маҳаллада бирор йиғинми, ҳашарми ёки бошқа тадбир ўтказилса ҳамма бир ёқадан бош чиқариб, дарҳол киришиб кетади. Рус, қозоқ, уйғур, татар миллатидаги кишилар ҳам урф-одатларимизни қадрлаб маросимларда қатнашаётгани аҳиллик, ҳамжиҳатлик нишонасидир.

Масалан, Наврўз айёмида ташкил этилган тантана маҳалла аҳлининг хотирасида узоқ вақт сақланиб қолса керак. Шу куни маслаҳатлашгач, Усмон ака ош дамлайдиган, Ганиҳўжа ака самоварчилик қиладиган бўлди. Маҳфуза, Меҳри ва Раҳбар аялар сумалак тайёрлашга киришганда, қизлар енг шимариб, қозонга ўт қалаб юбордилар. Келинлар эса дастурхон тузашди. Ҳар ким ҳиммат қилиб, уйда пиширилган келган кўк сомса, чучвара, қатлама, варақидан тортиб норингача қўйилди.

— Клубимизда ўтказилган байрам шодиёнаси узоқ вақт давом этди,—деди С. Раҳимов районидаги «Ўзган» маҳалла қўмитетининг раиси Забиҳилла ака Абдуллаев. Баҳор, Наврўз, бахт ҳақидаги қўй-қўшиқлар ижро этилди. Кекса отахон ва онахонлар миннатдорчилик сўзларини айтдилар. Тотувлик бор жойда хурсандчилик, қутбарака бўлишини барча ўз кўзи билан кўриб, яна бир бор ҳис этди.

Ўлкамизга янги йил кирди, ҳамал ойи бошланди. Табиат жонланишидан илҳомланган «Ўзган»ликлар ободончилик ишларини ниҳоясига етказишга киришдилар.

Ш. САЪДУЛЛАЕВ.

ТАЛАБАЛАР ҚУВОНЧИ

Наврўз шодиёнаси Тошкент ҳуқуқшунослик техникумида ҳам кенг нишонланди. Кеча иштирокчиси филология фанлари номзоди, доцент А. Содиқов йиғилганларга Наврўзнинг тарихи, анъаналар ҳақида сўзлаб берди. Шундан сўнг Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Шуҳрат Расулов бошчилигидаги «Ижод» группаси аъзолари қизиқарли программа намойиш этишди.

Талабалар ўзлари тайёрлаган сумалак, кўк сомса, патир, чучвара каби таомлар билан дастурхон безатишди. Улар ижро этган қўшиқ, рақс ва интермедиялар жюри томонидан баҳоланиб, голиблар тақдирланди.

Н. ҒУЛОМОВ.

ОҚШОМХОНЛАР ДИҚҚАТИГА!

«Тошкент оқшоми»нинг навбатдаги сони 29 мартда чиқади.

Муҳаррир ўринбосари С. Б. ЕҚУБОВ.

Телепрограммалар

28 мартдан—1 апрелгача

Чоршанба, 28

● ЎзТВ I

11.30 Болалар учун фильм. «Болалик билан хайрлашманг».
12.10 «Мен — Тянь-Шань». Бадиий фильм. 1-серия.
* * *
17.30 «Байрамали», «Лада» Францияда». Телефильмлар.
18.00 Кўрсатувлар программаси.
18.05 «Энг билимдон қуён». Мультфильм.
18.20 Болалар учун. «Санъат ғунчалари».
18.55 «Давр тақозоси билан». Тошкент вилояти саноат корхоналарида ижара муносабатларини жорий этиш ҳақида.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 «Ёдгорлик» туркумидан. Паҳлавон Маҳмуд ижоди ҳақида.
20.30 Москва. «Время».
21.00 «Олтинга тенг сўзлар», «Кашфиёт». Катталар учун мультфильмлар.
21.20 «Муҳаббат мадҳи». Мусиқий композиция.
22.00 «Ахборот».
22.20 «Деҳқон ва замон». Қишлоқ хўжалик ходимлари учун программа.
23.30 Янгиликлар.
23.35 Кўрсатувлар программаси.

● ЎзТВ II

18.05 «Дўстлик» программаси. «Самарқанд белгиси билан».
18.40 Реклама.
18.50 «Мен — Тянь-Шань». Бадиий фильм. 2-серия.
20.00 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Сўз сизга ўртоқ делегат» (рус тилида).

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

20.30 Москва. «Время».
21.00 Ғалабанинг 45 йиллигига. Киноочерк.
21.15 «Дилафрўз». Хотин-қизлар учун программа.
22.00 «Изланиш». Ёш актёрлар конкурси.
23.00 «Севги тарихи». Телефильм.

● МТ I

6.00 «120 минут».
8.05 «Ипак мўйқалам». Мультфильм.
8.35 Болалар учун фильм. «Эл ардоқлаган артист». А. И. Куприннинг «Оқ барок» ҳикояси асосида («Центрнаучфильм»).
9.55 «Камалак». Халқ ижодиёти телепрограммаларининг VIII Халқаро фестивали. «Гўё юздаги сепкилдек» («ЦДФ», ГФР).
10.30 Ҳужжатли фильмлар: «Менинг крестим», «Девор фонидаги пейзаж».
11.20 «ВДНХдаги уч учрашув». Концерт.
12.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
* * *
16.00 «Қаердадир, оловли ерда». Ҳужжатли фильм премьераси («ЛСДФ»).
16.30 «Қанотсиз ғозча». Мультфильм.
16.40 «Бор бўл, мусиқа!». Кичик концерт (Киев).
16.55 Болалар соати (инглиз тили дарси билан).
17.55 Коллаж (реклама, эълонлар, ахборот).
18.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
18.30 «Галати авлод». Ҳужжатли фильм премьераси (Куйбишев кинохроника студияси).
19.00 «Голиб» («Вилоят ҳаётидан саҳналар»). Телевизион бадиий фильм («Ўзбектелефильм»). Премьера.
20.20 Долзарб интервью.
20.30 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
21.00 Футбол. Ўртоқлик учрашуви. СССР — Голландия терма командалари. Киевдан олиб кўрсатилади.
22.50 «Хотира садоси». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. СССР халқ артисти А. Папанов ҳақида («Экран»).
23.45 «ТСН». Янгиликлар телевизион хизмати.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 Немис тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун.
9.45 Россия рақс ансамблининг концерти.
10.25 «Икки капитан». Олти серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия.
11.50 Немис тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун.
12.20 Такрорий телефильмлар сеанси. «Варқаниинг ери». 3-серия.
* * *
16.30 «Экспромт». Бадиий шиша буюмларининг чиройи ҳақида телевизион ҳужжатли фильм.
16.40 РСФСР шаҳарлари телестудиялари. «Диалог» студияси (Новосибирск).
17.25 Ю. Левитин. «Шоир хотираси». Бадиий сўз устаси, меццо-сопрано, бас ва оркестр учун оратория. Н. Заболоцкийнинг хотиралари, хатлари ва шеърлари.
18.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати (сурдо таржимаси билан).
18.30 **СССР Олий Совети сессиясида.** Танаффус пайтида (19.30) — Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Бизда чи...».

Пайшанба, 29

● ЎзТВ I

11.30 «Абу Бакр», «Қасамёд қилмай туриб». Телефильмлар.
12.10 «Медуза нималарни эшитди», «Қора қуён». Мультфильмлар.
12.30 «Мен — Тянь-Шань». Бадиий фильм. 2-серия.
* * *
17.30 «Иш билан исботла». Телефильм.
18.00 Кўрсатувлар программаси.
18.05 «Кичик дўстлар саргузаштлари». Мультфильм.
18.20 «Саломат бўлинг!».
18.50 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Саҳифаларга сиғмаган сатрлар».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 «Алифбо сабоқлари».
20.20 «ЎзССР Ички ишлар министрлиги матбуот маркази хабар қилади...».
20.30 Москва. «Время».
21.00 «Дебют». Ўзбекистон Давлат телерадиоси «Тановар» ансамблининг концерти.
22.00 «Ахборот».
22.20 «Эртага — премьера». Кинокўрсатув.
23.30 Янгиликлар.
23.35 Кўрсатувлар программаси.

● ЎзТВ II

18.05 Болалар учун. «Юлдузча» (рус тилида).
18.40 «Маҳбубим, азизим, суюклигим, ёлғизим». Бадиий фильм («Ленфильм»).
19.50 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Қайсар ва ўжар». Жумҳурият модалар марказининг ижодий йўналишлари ҳақида (рус тилида).

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

20.30 Москва. «Время».
21.00 «Наво». Мусиқий-ўқув кўрсатуви.
22.00 «Шифобахш ўсимликлар».
22.20 Телетомошабинларнинг талабларига биноан. «Артист». Бадиий фильм. 1-серия (рус тилида, Ҳиндистон).

● МТ I

6.00 «120 минут».
8.00 «Малика». Мультфильм.
8.10 Футбол. Ўртоқлик учрашуви. СССР — Голландия терма командалари. Киевдан кўрсатилади.
9.50 Б. Чичибабин. «Ҳеч қачон ўзимни шоир деб ҳис этмаганман».
10.55 Болалар соати (инглиз тили дарси билан).
11.55 Коллаж (реклама, эълонлар, ахборот).
12.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
* * *
16.00 «Хомо дуплекс». Ҳужжатли фильм.
16.20 Илмий хабарнома.
17.05 «Бор бўл, мусиқа!». «Илк қадамлар».
17.20 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
18.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
18.30 «Эфирда мусиқа».
20.30 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
21.00 Долзарб интервью.
21.10 «Икки кишилик қўшиқ». Саратовдан кўрсатилади.
21.40 «Чигал масала». Кўрсатувни В. Познер олиб боради.
23.00 «ТСН». Янгиликлар телевизион хизмати.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 Испан тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун.
9.45 Ҳужжатли фильмлар: «Кичик Нина», «Ўйин».
10.15 «Икки капитан». Олти серияли телевизион бадиий фильм. 4-серия.
11.25 Испан тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун.
11.55 Ритмик гимнастика.
12.25 Такрорий телефильмлар сеанси. «Варқаниинг ери». 4-серия.
* * *
16.00 «Ўқитувчилар мусиқаси». Волгограддан кўрсатилади.
17.00 «Манзарали богдорчилик. Боғ-хиёбон санъати тарихи». Илмий-оммабоп фильм премьераси («ЦНФ»).
17.30 Ритмик гимнастика.
18.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати (сурдо таржимаси билан).
18.30 **СССР Олий Совети сессиясида.** Танаффус пайтида (19.30) — Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Икки кучук ҳақида».

Жума, 30

● ЎзТВ I

11.30 «Табиат ва биз». Кинопрограмма.
12.30 «Болалар ва китоб» (такрор.).
* * *
17.30 «Великие Луки», «Енгиш». Телефильмлар.
18.00 Кўрсатувлар программаси.
18.05 «Олтиндан қиммат», «Вернисаждаги ўғрилик». Қўғирчоқ фильмлар.
18.25 Шоирлар — болаларга. Олкор Дамин, Валижон Аҳмаджонов, Дилмурод Шокиров.
19.00 Қишлоқ меҳнаткашлари учун. «Картошкакорларнинг шу кунги юмушлари».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 «Экология ва сув». Ўрта Осиёда сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш ҳақида.
20.30 Москва. «Время».
21.00 «Одобнома».
21.15 «Наврўз нашидаси». Мусиқий программа.
22.00 «Ахборот».
22.20 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Оила».
23.20 Янгиликлар.
23.25 Кўрсатувлар программаси.

● ЎзТВ II

18.00 Спорт кинопанорамаси (рус тилида).
18.45 «Келин». Бадиий фильм («Туркманфильм»).
20.00 «Товарлар — халққа».

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

20.30 Москва. «Время».
21.00 Ўттиз йил «Қувноқ ҳаво мавжларида».
20.30 Москва. «Время».
21.30 Мусиқий программа.
22.10 «Артист». Бадиий фильм. 2-серия (рус тилида).

● МТ I

6.00 «120 минут».
8.05 Мультфильм.
8.30 «Голиб» («Вилоят ҳаётидан саҳналар»). Телевизион бадиий фильм.
9.50 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
10.30 «Саёҳатчилар клуби».
12.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
* * *
15.00 «Паҳлавон Иван шоҳ қизини қандай қутқарди». Мультфильм.
15.15 «...16 ёшгача ва ундан катталар» программасига мусиқий илова. «50Х50».
17.55 Коллаж (реклама, эълонлар, ахборот).
18.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
18.30 Лениндан ўрганамиз. «Революцион йўл танлаш». В. И. Ленининг Россияда революция масалалари бўйича иши ҳақида.
18.50 Бутунроссия конкурси лауреати А. Бардина чалади (гитара).
19.00 «Кинопанорама».
20.30 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
21.00 Долзарб интервью.
21.10 «Бу бўлган... бўлганди...».
21.35 «Нигоҳ».
23.05 «Воқеалар ва фикрлар».
23.35 Катталар учун мультфильм.
23.45 «ТСН». Янгиликлар телевизион хизмати.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 Инглиз тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун.
9.45 «Биз билан бирга, худди биздек, биздан ҳам яхшироқ бажар». ГДРдан кўрсатилади.
10.45 «Икки капитан». Олти серияли телевизион бадиий фильм. 5-серия.
12.00 Инглиз тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун.
12.30 Киноабонемент. «Чапақай». Бадиий фильм («Ленфильм»).
13.55 Мусаввирлар ҳақида ҳикоялар. К. Васильев.
14.25 Такрорий телефильмлар сеанси. «Шаҳзода ва гадо» («Ленфильм»).
* * *
16.30 Бутунроссия конкурси лауреати В. Круглов чалади (домра).
16.50 «Қанотлар, оёқлар ва думлар». Мультфильм.
16.55 Украина телевидениесининг программаси. «Канал-Д».
18.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати (сурдо таржимаси билан).
18.30 Г. Калау. «Этик кийган мушук». Немис драма театрининг спектакли (Темиртау шаҳри).
19.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Худди онамдек».
19.45 Информацион программа.
20.30 Краснодар ўлкаси Некрасов станицасининг фольклор ансамбли ҳамда Москва шаҳри «Маланка» ансамбли ижро этади.
20.45 Спорт ҳамма учун.
21.00 Хоккей. Миллий хоккей лигаси. «Нью джерси девилз» — «Вашингтон кэпиталз».

Шанба, 31

● ЎзТВ I

9.00 «Ассалому алайкум». Мусиқий ахборот.
*
10.00 «Финист — сарлочин», Бадиий фильм (М. Горький номли киностудия).
11.15 «Олисларга чорловчи йўллар». Жумҳуриятда туристик мавсумнинг бошланиши ҳақида.
11.45 Шеърият дафтаридан. Саъдулла Аҳмад.
11.55 Мактаб ўқувчилари учун. «Қувноқ стартлар».
12.55 «Депутат ва ҳаёт».
13.25 «Дўстлик» программаси. «Замандас».
14.25 «Чаман ичра». Концерт.
* * *
18.00 Кўрсатувлар программаси.
18.05 «Бир бор экан, Бир йўқ экан, хўтикча яшаган экан». Қўғирчоқ фильм.
18.15 Усмирлар учун. «Тенгдошлар».
19.00 «Ўзбек тилини ўрганамиз».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 «Оқшом эртаклари».
20.00 «Халқ ижодиёти».
20.30 Москва. «Время».
21.00 «Дўстлик экрани». Ўрта Осиё жумҳуриятлари ва Қозоғистон телевидение студияларининг биргаликдаги программаси.
22.00 «Ҳафтанома».
22.40 «Мақом кечаси».
23.20 Кўрсатувлар программаси.

● ЎзТВ II

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

9.00 «Савту калом». Адабий-мусиқий кўрсатув.
9.55 Москва циркининг қизиқчиси Карандаш.
10.50 Кинопрограмма.
12.00 «Кавказ асираси». Бадиий фильм (рус тилида).
* * *

ФРУНЗЕ КЎРСАТАДИ

● МТ I

6.00 «120 минут».
8.05 «Объектив».
8.40 «Онам, дадам ва мен».
9.15 «Умрнинг боқий бўлсин, Ер!».
10.10 «Бурда моден» таклиф этади».
10.40 Ғалабанинг 45 йиллигига. «Улим архиви». Беш серияли телевизион бадиий фильм (ГДР телевидениеси). 1-серия.
12.10 «Жониворлар цирки».
12.55 «Партнер». Тижорат хабарномаси. «Фейнэшнл таймс» газетасининг етакчи иқтисодий шарҳловчилари билан учрашув.
13.25 «Пи» белгиси билан». Илмий-оммабоп программалар саҳифаларида.
14.25 «Камалак». Халқ ижодиёти телепрограммаларининг VIII Халқаро фестивали. Сенегал телевидениесининг фольклор программаси.
15.00 «Мамлакат билан мулоқот». Меҳнат ва ижтимоий масалалар бўйича Давлат комитети раиси В. И. Шчербаков билан учрашув.
16.00 «Янгра, гармонь!». 1-қисм. Вологдадан кўрсатилади.
17.15 «Халқаро панорама».
18.00 «Янгра, гармонь!». 2-қисм. Вологдадан кўрсатилади.
18.55 «Ер — она масканимиз». Фотоконкурс.
19.00 «Изтопар». Бадиий фильм. Ф. Куперинг шу номли романи асосида (М. Горький номли киностудия).
20.30 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
21.00 Долзарб интервью.
21.10 «Телескоп».
21.30 Дайана Росс куйлайди (АҚШ).
22.50 «Ярим тунгача ва ярим тундан сўнг».

● МТ II

7.30 Эрталабки гимнастика.
7.45 «Тайга хўжайини». Бадиий фильм, субтитр билан («Мосфильм»).
9.05 Иттифоқдош жумҳуриятлар кинопублицистикаси. «Нима қанча туради ва нима учун?». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. Туркманистонда қишлоқ хўжалиги муаммолари ҳақида (Ашхобод).
9.25 «Икки капитан». Олти серияли телевизион бадиий фильм. 6-серия.
10.30 «Совет Россияси» видеоканали.
13.00 «Ҳамдўстлик» видеоканали.
16.30 «Майдон».
17.30 Рус тили.
18.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати (сурдо таржимаси билан).
18.30 Спорт гимнастикаси. Жаҳон кубоги.
19.15 Ҳужжатли фильм.
19.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Биздачи...».
19.45 Информацион программа.
20.30 Латвия ССР Давлат телерадиоси. «Рига Дом жомниси». Ригадан кўрсатилади.
21.00 Футбол. СССР чемпионати. «Днепр» — «Спартак». Днепропетровскдан олиб кўрсатилади.
22.50 П. Джакометти. «Жиноятчининг оиласи». А. Мравян номли Ленинакан Давлат драма театрининг фильм-спектакли.
01.00 Тунги сеанс. «Инглизча вальс». Бадиий фильм (Литва киностудияси).

Якшанба, 1

● ЎзТВ I

9.00 «Ассалому алайкум». Мусиқий ахборот.
*
10.00 Мактаб ўқувчилари учун. «Компьютер сабоқлари».
10.25 «Қалбимда баҳор». Концерт.
11.10 «Сиз севган қаҳрамонлар». Болалар учун кинокўрсатув.
12.10 Эркин Воҳидов. «Олтин девор». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли.
13.55 «Алифбо сабоқлари» (такрор.).
14.30 Реклама.
* * *
18.00 Кўрсатувлар программаси.
18.05 «Алдаркўса», «Алдаркўса ва бойи». Қўғирчоқ фильмлар.
18.30 Мактаб ўқувчилари учун. «Қўшиғим жон, қўшиғим». Хоразм телевидение студияси билан ҳамкорликда тайёрланган кўрсатув.
19.15 «Ёримиз — бойлигимиз».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Ҳазил ва ҳажвий қўшиқлар.
20.30 Москва. «Время».
21.00 Телевизион миниатюралар театри.
22.00 «Ахборот».
22.20 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Қувноқлар ва зукколар». Тошкент фармацевтика институти ва Самарқанд қишлоқ хўжалик институти студентлари учрашадилар. Ярим финал.
00.20 Кўрсатувлар программаси.

● ЎзТВ II

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

9.00 «Сапеда». Мусиқий ахборот.
10.05 Реклама.
10.15 «Топағон Полмас». Ёшлар театрининг спектакли.
11.20 Болалар учун фильм. «Буратинонинг саргузаштлари».
* * *
17.40 Кўрсатувлар программаси.
17.45 «Кавказ асираси». Бадиий фильм (рус тилида).
19.00 «Ҳафта». Информацион программа.
19.30 Ҳазил кечаси.
20.30 Москва. «Вермя».
21.00 «Телетомошабин ҳамроҳи».
21.30 «Чашмаи ҳаёт».
22.40 «Қиш охирлаб қолганда». Телефильм.

● МТ I

7.30 Спорт ҳамма учун.
7.45 Ритмик гимнастика.
8.15 «Спортлото» тиражи.
8.30 «Эрта саҳарлаб». Болалар учун кўрсатув.
9.30 «Ватан ҳизматида».
10.30 Тонгги дам олиш программаси.
11.00 «Дунё бўйлаб».
12.00 Ғалабанинг 45 йиллигига. «Улим архиви». Беш серияли телевизион бадиий фильм. 2-серия.
13.40 «Здоровье».
14.25 Киноафиша.
15.25 Мультфильмлар: «Бегемот билан содир бўлган воқеа», «Икки туя учарди».
15.45 «Қишлоқ янгиликлари». Панорама.
17.00 Эртаклар ва саргузаштлар оламида. «Кўз илғамас йўлкаларда». Бадиий фильм (М. Горький номли киностудия).
18.30 «Қўшиқни ёдда тут». Катталар ва болалар учун.
18.45 «КВН-90». Мавсумнинг биринчи учрашуви. Одесса Давлат дорилфунуни командаси ва Москва тоғ институти ҳамда Москва пўлат ва қотишмалар институтининг бирлашган командалари иштирок этадилар.
20.30 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
21.00 Абадият ҳақида ўйлар.
21.15 П. И. Чайковский. 100 та романс.
21.45 «Спектаклдан сўнг». Театр гап-гаштаги.

● МТ II

7.30 Зарядкага сафланинг!
7.45 «Уруш-урушда». Бадиий фильм, субтитр билан («Ленфильм»).
9.10 «Она-замин ташвишида» туркумидан Ангарск атмосферасининг ифлосланиши ҳақида ҳужжатли фильм.
9.30 Миллий баскетбол ассоциацияси профессионаллари ўртасида баскетбол бўйича АҚШ чемпионати.
10.30 «Ўғлингсиз келма». Бадиий фильм (Одесса киностудияси).
14.50 «Мовий тоғлар ортида». Телевизион ҳужжатли фильм.
12.00 «Халқ ижодиёти» видеоблоки.
14.00 «Совет Россияси» видеоканали.
16.30 «Планета». Халқаро программа.
17.30 Волейбол. СССР чемпионати. Эркаклар. Суперфинал.
18.30 «Орган залида». Омскдан кўрсатилади.
19.05 «Биз яшаётган олам». Режиссёр Л. Кристи фильмлари. «Қизил тулпордаги бола» («ЦСДФ»).
19.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Иркит ўрдакча» Мультфильм.
19.45 Спорт гимнастикаси. Жаҳон кубоги.
20.30 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати (сурдо таржимаси билан).
21.00 СССР халқ артисти Ц. Такишвили куйлайди.
21.30 Футбол. СССР чемпионати. «Черноморец» — «Динамо» (Киев). 2-тайм. Одессадан олиб кўрсатилади.
22.20 Н. В. Гоголнинг экранлаштирилган асарлари. «Шинель». Бадиий фильм («Ленфильм»).

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

(«Вечерний Ташкент») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: қабулхона — 32-53-76; хатлар — 33-29-70; 32-53-79; жамоатчилик қабулхонаси — 32-55-83.

Якшанбадан ташқари ҳар куни ўзбек ва рус тилларида мустақил чиқади.

Р. 04164.

Тиражи 139.200. Индекс 64690. Д—2201.

1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10.